

*Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги
Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти*

*Педагогика факультети Педагогика-психология йуналиши
4-боскич талабаси*

*Раззоқова Шахнозанинг психология фанидан
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ*

Мавзу: Миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатлари

Илмий раҳбар: психол.ф.ном., доцент Н.Ёқубов

Қўқон-2011

Мавзу: Миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатлари

- 1. Мавзунинг долзарблиги. Ўрганилган адабиётлар таҳлили.*
- 2. Миллий мактаб ўқитувчисининг педагогик қобилияти ва педагогик маҳорат тушунчаси. Миллий мактаб ўқитувчисининг шахс шаклланишидаги ўрни.*
- 3. Ёш ўқитувчиларда педагогик қобилият ва педагогик маҳоратни ривожлантириш усуллари ҳамда олинган натижалар.*
- 4. Ўқитувчи билимдонлигининг психологик қонуниятлари.*
- 5. Педагогик маҳоратни эгаллашда ўқитувчи касбий омилкорлигининг аҳамияти.*
- 6. Хулоса.*

1. Мавзунинг долзарблиги. Ўрганган адабиётлар таҳлили.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти бевосита ўқитувчининг касбий маҳорати ва саводхонлигига боғлиқ. Барча соҳаларда бўлганидек, касбий маҳорат ҳам ўқитувчида йиллар давомида шаклланади ва такомиллашади. Шу нарса алоҳида эътиборга лойиқки, ўқитувчининг касбий маҳорати, амалий ва услубий тажрибаларга эга бўлиши учун асосий замин олий таълим муассасасида яратилади. Чунки ўқитувчининг касбий маҳорати ўта мураккаб ва миллий хусусиятга эга жараён бўлгани боис. Уни эгаллаш, юқорида таъкидланганидек, ўқитувчининг узоқ йиллар самарали изланишлари, ижодкорлик меҳнати эвазига шаклланади. Лекин маҳорат сирларининг илмий ва амалий негизи олий таълим муассасаларида талабаларда шакллантирилмас экан, уни олий ўқув юртидан кейинги иш фаолияти жараёнида каишф этиши ҳар доим ҳам ўз-ўзидан юзага чиқмайди.

«Таълим тугрисида»ги Конуннинг 5-моддасида «Юксак ахлокий фазилатларга эга булган шахслар педагогик фаолият билан шугулланиш ҳукукига эга» эканлиги курсатилган. Илмий адабиётларнинг таҳлили педагогик кадрларни тайёрлаш давр талабига жавоб бермаётганлигини курсатади. Унинг бир катор сабаблари мавжуд.

Биринчидан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик курганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо булиб қолаётганлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 % гина олий маълумотли эканлиги курсатиб утилган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалиётга жорий этишининг биринчи боскичида бу камчиликлар қисман бартараф этилган булсада, унда қайд этилган таълим тизимининг,

(шу жумладан мактабгача тарбия боскичининг) кадрлар салохиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш, уларни устивор равишда тайёрлаш, таълим тизимининг самарали услубларини излаш, жорий этиш педагогик-психологик муаммолигича колмокда.

Иккинчидан, миллий истиклол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар мамлакатимизнинг маънавий тараққиёти ва истикбол йуналишларини белгилаб берди. Шунга кура миллий истиклол мафкураси инсон калби ва онгича ижобий таъсир этадиган тушунча ва туй гуллар , гузал ва хаётий гоёлар тизимини узида мужассам этиши миллий ва умуминсоний кадриятлари асосида ва педагогик махоратини шакллантиришнинг янги мазмунини ишлаб чиқишни тоқозо этади.

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик урнини онгли интизом эгаллаши жуда кийин кечяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш қуникмаларини ҳосил қилишдан иборат эканлигини қупинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалий тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни урганмаса, берилган таълимнинг самараси паст булиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим уз йулига, мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир¹. (Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлисининг IX сессиясидаги нутқида).

Айни пайтда жамиятни, бутун таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш талабидан келиб чиқадиган педагогик қобилият педагогик махорат муаммоси етарли ишлаб чиқилмаган. Таълим-тарбия тизимининг ҳаракатлантирувчи қучи булган ўқитувчилар, педагогларни ҳозирги давр талаби асосида шакллантириш етарлича урганилмаган. Шу боис миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатларини шакллантириш муаммоси долзарб ҳисобланади, шунинг учун

хам ёш педагогларни педагогик қобилияти ҳамда махоратини шакллантиришида ёшларни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда бозор ва ахборот технологияси ислохоти даврида маданиятли, маънавиятли бўлишини таъхис қилиш истиқболли белгилаш, унинг самарали шакллари, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш, келажак авлодни бой маънавий, илмий, умуминсоний кадрлар асосида камол топишининг таъсирчан тарбия тизимини яратиш, илгор педагогик тажрибаларни, шахс камолотига қаратилган миллий-маънавий ва илмий меросни урганиш, умумлаштириш, уларни ўқув-тарбия жараёнига қиритиш шу куннинг долзарб психологик-педагогик муаммоларидан биридир. Шу боис шу мавзунини танладик.

Демак, ҳозирги даврда олий таълимни қайта қуриш, уни боғча, мактаб, коллеж, академик лицей билан янада яқинлаштириш ишлари олиб борилаётган шароитда фан ва назарияга асосланган билимга, амалий малакаларга эга бўлган ва янги замонавий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга лаёқатли мутахассисларга эҳтиёж янада ортимоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси узининг таълим соҳасидаги сиёсатида олий ва урта махсус мактабда мутахассислар тайёрлаш мазмунинг халқимизнинг узок муддатли эҳтиёжлари билан, республикамизни ижтимоий, иқтисодий ривожлантириши вазифалари билан мувофиқ ҳолга келтиришини, таълимнинг хилма хил шакллари ва усуллари ёрдамида ёшларнинг сифатли билим олиши учун шароит яратишни долзарб вазифалардан бири деб ҳисобламоқда. Ушбу вазифалар уз навбатида ҳар томонлама ривожланган, ижтимоий фаол бўлган педагог-мутахассисларни тайёрлаш масъулиятини яна ҳам оширади. Олий ва урта мактабларни қайта қуриш, миллийлаштириш шароитида ўқитувчи шахси асосий таянч бўлиб, ўқитувчилик фаолиятидаги ижодий маррани мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий фаоллигини қўллаб қувватлаш, педагогика қобилиятлар ва махоратини шакллантириш асосий вазифалар.

Демак, педагогик фаолиятлар ҳар томонлама етук маҳорат эгаси булган ўқитувчиларни талаб қилади. Чунки болалик – инсон умрининг нозик даври булиб, болаларнинг қандай инсон булиб етишоведа – инсоннинг болалиги қандай утганлиги, болалик йилларида унинг қулидан тутган раҳнамо ким эканлиги, атрофдаги оламдан унинг қунглича ва юрагига нималар тушгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Собик совет психологиясида ўқитувчи қалбига оид қатор тадқиқот ишлари олиб борилган, уларни И.В.Страхов, Н.В.Кузьмина, А.И.Шербакова, Ф.Н.Гоноболин, В.А.Крутецкий, М.Г.Давлетишин, Р.З.Гайнутдинов қабиларнинг ёндошувлари муҳим аҳамиятида эга. Жумладан, педагогик фаолият самарадорлигини улцаида педагогик маҳоратнинг роли (Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, А.Д.Деминцов), ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муносабатлари (Б.Г.Ананьев, С.В.Кондратьева, Ю.Г.Азларов, А.А.Бадалев), педагогик муаммоларнинг узига ҳос хусусиятлари (В.А.Кан-Калик, А.В.Мудрик, Г.И.Щукина) қабии йуналишидаги илмий изланишлар утказилган ва муайян даражадаги маълумотлар тартибга келтирилган.

Республикамизда ушбу муаммо билан М.Г.Давлетишин, Э.Г.Гозиев, Р.З.Гайнутдинов, В.М.Каримова, В.А.Токарева, Г.Б.Шоумаров, М.Абдуллажонов, А.Раҳмонов ва бошқалар шугуланмақдалар. Лекин бу мазкур масала батамом урганилиб булинганлигини билдирмайди, балки унинг жуда қуп қирраларини очишини, уқитиши самарадорлигини қутаришига муносиб таъсир этиши воситаларини излаб топишини тақозо қилади. Қомил инсон муаммоси қун тартибига қуйилиши муносабати билан унинг аҳамияти янада ортди.

Шарқ мутафаккирлари ҳам ўқитувчилик қасби туғрисида қиммат фикрларини билдирганлар. Жумладан, Ал-Фаробий ўқитувчини нутқи чиройли булиши, ақл-фаросатли булиши, фикрларини аниқ ифодалай олиши лозимлиги туғрисида таъқидлайди. Абу Наср Фаробий педагогик маҳоратда талабчанлик билан ҳурматнинг бирлигини қурсатмади, уз даврининг ахлоқ кодексини яратади ва агар тарбиячи қаттиққул булса, ундан

тарбияланувчининг бешишини, нафратланишини таъкидлайди. Абу Али Ибн Сино эса, ўқитувчиларнинг матонатли булиши, виждонли, ростгуй, ахлоқ конунларини яхши билиши, ўқувчиларнинг ички ва ташки дунёсини урганиб, унинг ақл катламларига кира олиши хакида узининг кимматли фикрларини колдирган. Улуг шоиримиз А.Навоий хам ўқитувчи меҳнатини юксак бахолаган. У узининг «Махбуб ул кулуб» асарида тошбагир ўқитувчи билан меҳрибон муаллимнинг фаолиятидаги тафовутлар, уларнинг турли мазмунидаги натижаларини ишланган тарзда асослаб берган.

Юсуф Хос Хожиб тил маданияти нутқ маданияти, ўқитувчилик фазилатларини мадх этади.

Насриддин Тусий «Ўқитувчи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда захархандали, купол ёки каттик булиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг узини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин» деб ёзган эди.

Профессор М.Г.Давлетишин ўқитувчи тугрисида фикр билдириб, у замонавий мактаб ўқитувчиси ижтимоий психолог булиши кераклиги хакида, педагог бир канча қобилиятларга эга булиши зарурлигини таъкидлайди. Бу қобилиятлар, жумладан уз ишига ижодий ёндоиши, таълим-тарбия методикасини эгаллаш, психологик билимларга эга булиши, боланинг ички дунёсини билиши, уз малакасини доимо ошириб бориши қабилардир. Унинг фикрича бўлгуси ўқитувчиларни педагогик фаолиятларга психологик тайёргарлиги ва маҳоратини юксалтириш – замонавий педагогик технологиялар ва инновацион методлардан хам унумли фойдаланишни такозо этади. Таълимнинг самарадорлиги илгор педагогик технологиялар, фаол методлар тизимини мунтазам равишда кулланилишини назарда тутади, булар. Муаммоли методлар, баҳс-мунозаралар, психологик муаммоларни хал этиши, педагогик вазиятларни психологик таҳлил қилиши, турли психологик уйинлар. Айниқса, таҳсил олувчиларнинг шахсий сифатлари ва қобилиятларини, шунингдек уларнинг ақли, зехнини аниқлаш, бахолаш ва уни ривожлантириши муаммолари билан боглик илмий психологик-педагогик ишларига алоҳида эътибор бериши зарурлигини таъкидлайди.

Профессор М.Очиловнинг «Муаллим касб меъмори» китобида педагогик мулоқот маданиятининг назарий ва амалий асослари ёритилган. Зардуштийлик таълимотидан бошлаб то бугунга қадар педагогик ахлоқ, жумладан ўқитувчининг муамола одоби, педагогнинг ота-оналар билан, ўқувчилар билан муомала маданияти таҳлил қилинган.

2. Миллий мактаб ўқитувчисининг педагогик қобилияти ва педагогик маҳорат тушунчаси.

Педагог ўз касбининг моҳир устаси бўлиши, аввало, ўз индивидуал хусусиятларидан юқори савияда фойдаланиши ва индивидуал ишлаш олиш қобилиятининг қандай шакланганлиги билан боғлиқ. Бу усул олий ўқув юртида ўқув ва амалий машғулотлар жараёнида шакллантирилади ва келажакда муваффақиятни таъминловчи индивидуал, ўзига хос усуллар тизимидан иборат бўлади.

Ҳар томонлама камол топган, жамиятда илғор турмуш тарзига мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини ҳамда педагогик технологияларнинг энг сўнги ютуқларидан доимо хабардор, онгли равишда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик жиҳатдан билимларга эга бўлган, давлат ва оила олдига жавобгарликни ҳис этадиган фуқароларни тарбияловчи ўқитувчида юксак назарий ва методологик тайёргарлик бўлиши лозим. Ҳозирги замон талабларига мос, фан ва техниканинг сўнги ютуқларини ўзлаштирган, миллий ва маънавий қадриятларимизни таълим тизимига татбиқ эта оладиган ўқитувчидан эндиликда “Миллий дастур” талабларига хос янгича ёндошув, янгича методика ва янгича касб маҳорати талаб қилинади.

1. Дидактик қобилиятлар – ўқитувчининг ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён этиши, материал ёки муаммони уларга аниқ ва тушунарли қилиб айтиб бериши, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга кизиқиши уйғотиши қобилиятидир. Ўқитувчи зарурат тугилганда холларда узининг дидактик қобилиятлари билан тегишли тарзда ўқув

материалини оддий, кийин материални осон, тушунарсииз, ноаник нарсани, конкрет, тушунарли кила билади.

Бундай кобилиятга эга ўқитувчи ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини, камолот даражасини хисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва хали нимани билмасликларини, нимани унутиб куйганликларини тасаввур кила олади, яъни ўқувчининг урнига узини кул олади, у катталарга аниқ ва тушунарли булган материалнинг ўқувчиларга тушунарсииз ва мавхум бир нарса булиши мумкинлигига асосланиб иш юритади. Шунинг учун у баён этишининг характери ва шаклини алохида уйлаб чикиб, олдиндан лойихалаштиради. Бундан ташкари материални баён килиш жараёнида турли ўқувчиларнинг тушунтирилайётган материални кандай узлашти- раётганликларини катор белгилар асосида аниқлаб беради, аниқлай олади ва зарурат тугилган холларда баён килиш усулини узгартиради.

Шунингдек бундай кобилиятга эга ўқитувчи ўқувчиларнинг материални узлаштиришлар учун замин тайёрлаб, уларнинг дам олишдан ишга утишлари, иш холатини бушатиришлари, уларнинг диққатини яна керакми объектга йуналтириш баъзиларда «кузголиш» жараёнини «учириш», баъзиларни эса фаоллаштириш, уларнинг бушашишларига, ланжликларига лаёкатликларига бархам бериш учун минимал даражада вақт ажратишни хисобга олиб иш куради.

2. Академик кобилиятлар – фаннинг тегишли сохаларига оид кобилиятлар булиб, бундай кобилиятга эга булган ўқитувчи фанни ўқув куриш хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқуррок билади, уз фани сохасидаги кашфиётларни хамиша кузатиб боради, материални нихоятда яхши билади, фанига кизикади.

3. Перцептив кобилиятлар – боланинг ички дунёсига кира олиш кобилияти, ўқитувчи шахсини ва унинг вақтинчалик психик холатларини жуда яхши тушунуши билан боглик булган психологик кузатувчанлик. Бундай кобилиятга эга ўқитувчи ўқувчиларнинг ташки курунишларига караб ўқувчининг ички холатидаги узгаришларни фахмлай олади.

4. Нутк кобилияти – нутк ёрдамида, шунингдек мимика ва пантомимика воситасида уз фикр ҳамда хис-туйғунларини аниқ ва равшан ифодалаш кобилияти. Бу ўқитувчилик касбида энг муҳим кобилиятлардан биридир, чунки бунда ахборотнинг ўқитувчилан ўқувчига утиши асосан иккинчи сигналли, суз характерида булади. Бу ерда нуткнинг ҳам ички (мазмун) ҳам ташқи хусусиятлари булади. Бундай кобилиятга эга ўқитувчиларнинг нутқи дарсда хаамиша ўқитувчиларга каратилган булади. Ўқитувчи ўқувчининг жавобини тахлил килаётган, маъкуллаётган ёки караётган булса ҳам унинг нутқи ҳамма вақт ички кучи, ишончи, узи тушунтираётган материалга кизикаётганлиги ва кизиктира олаётганлиги билан ажралиб туради. Фикрлар эса ўқувчилар учун аниқ, содда, тушунарли булади.

Ахборот тарзидаги баён килиши ўқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштираётган килиб тузилади. Ўқитувчи ўқувчилар олдида саволлар куйиб, уларни аста-секин тугри жавоб беришга олиб боради ўқувчининг диққатини ишга солувчи ҳамда фикрини фаоллаштирувчи («Мана шу ерига алохида эътибор бериш», «Уйлаб курунг!» каби) сузлар ва ибораларни куллайди. Лекин суз ва иборалар ноурин кулланмайди. Ўқитувчи узундан узок жумлалар, мураккаб суз бирикмалари, кейин терминлар ва ибораларни кулланишдан кочади.

Шу билан бирга у ортикча лўнда, қисқа нутқнинг кўпинча ўқувчиларга унчалик тушунарли бўлмаслигини назарда тутуди. Ўринли юмор, хазил, енгилгина истехзо нутқни жуда жонлаштириб юборади ва уни ўқувчилар жуда яхши кабул киладилар. Кобилиятли ўқитувчининг нутқи аниқ диққия билан ифодаланадиган жонли эмоционал буёкли булиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуксонлар булмайди. Бир хилдаги чузик, зериктирадиган монотонли нутк тингловчиларни тез чарчатиб куяди, уларда ланжлик, зерикши ва локайдлик холатларини келтириб чикаради, яъни бир хил таъсир килувчи кузговчига айланади. Бундай кузговчи бош мия пустида тормозланиши жараянини тезда пайдо килади ва ўқувчини ланж ухлайдиган килиб куяди» (И.П.Павлов таълимоти).

Нуткнинг темпи албатта, хар бир ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ булади. Бир хил ўқитувчилар тез гапиришига, бошкалари секин гапиришига мойил буладилар. Бирок ўқитувчи ўқувчиларнинг узлаштиришлари учун уртача темпдаги жонли нутк яхши натижа беришини доимо ёдда саклашлари лозим. Бундан ташкари нуткнинг хаддан ташкари каттик, кескин бакирок булиши ўқувчиларнинг асабини бузади, тез толиктиради, ўқитувчининг хазин, заиф, осойишта овози ёмон эшитилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, имо-ишоралар нуткни жонлантиради, лекин куп такрорланадиган бир хилдаги, бесаранжом кескин имо-ишоралар ва харакатлар боланинг гашини келтиради, бола нуткни эмас, балки факат имо-ишорани идрок килади ёки хадеб такрорланаверадиган суз, кушимчаларни санаб дарс утказади.

5. Ташилотчилик қобилиятлари – ўқувчилар жамоасини уюштира олиш, жипслаштириш, жамоада илик психологик мухитни ярата олиш, мухим вазифаларни хал этишига рухлантириш, уз шахсий ишини тугри уюштиришидаги қобилиятдир уз ишини тугри ташилот эти билиш – ишни тугри режалаштириш ва уни узи назорат кила билишидир. Тажириба ортган сари ўқитувчиларда вақтни узига хос хис этиш – ишни вақтига караб тугри таксимлай олиш, белгиланган муддатда бажара олиш хусусиятлар шакллана боради.

Баъзан дарс давомида кутилмаганда ортикча вақт сарфлаш холлари купинча учраб туради. Лекин тажирибали ўқитувчилар зарурат тугилган холларда дарсларнинг режасини узгартира оладилар, яъни бундай ўқитувчилар «вақтни хис этиш» хусусиятини хосил килиш учун дарс режаси ёки матнида вақтни назорат тарзда белгилашни: дарсда 10, 20, 30 ва хоказо дақиқалар утиши билан нима килиш керактигини белгилаб куйишни, фойдаланиши мумкин булган кушимча материал тайёрлашни, агар кутилмаган вақт сарфлаш керак булиб колса, бу дарсдан олиб ташлаш ёки навбатдаги дарсга утказиш мумкин булган материални белгилаб куйишни тавсия киладилар.

б. Авторитар қобилиятлар – ўқувчиларга бевосита эмоционал, иродали таъсир курсатиши ва шу асосда обрӯ қозона олиши қобилияти (гарчи обрӯ фақат шу асосдагина эмас, балки масалан, ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлигини ва хоқазолар асосида қозонилса ҳам). Авторитар қобилиятлар ўқитувчи шахсий сифатларини бутун бир комплексига, қунончи унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, қидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлигига), шунингдек ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериши масъулиятини ҳис этишига, узининг ҳақ эканлигига ишонишига, бу ишончни ўқувчиларга ҳам еткази олишига боғлиқ бўлади.

Авторитар услубдаги ўқитувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари жараёнларини қозатиши натижаларига шуни айтиши мумкинми, бундай ўқитувчилар одатда мажбурий, қаттиқ талабаларни қуйиши (ўқитувчига итоат этиши, дарс вақтида асосан жим утириши, саволларга албатта қул қутариб, ўқитувчи рӯҳсати билан жавоб бериши, ўқитувчининг курсатмаларини сузсиз бажариши) орқали иш юритадилар. Бундай ўқитувчилар ўқувчиларнинг қизиқиши, лаёқат, хоҳиши ва истакларини ҳисобга олмай, асосан ўқув режасига амал қиладилар. Дарсни ҳам уз хоҳиши, истаклари, фикрларига қура режасида иштирадилар. Дарс жараёнида мунозара, баҳс учун етарли имқоният берилмайди. Бу услубда ишловчи-ўқитувчилар учун ўқувчи шахсини шакллантириши эмас, балки фан асосларини ургатиши, қуқуррок қилим бериши аҳамиятлидир. Шунингдек, бундай ўқитувчилар учун ўқувчиларнинг муқтақил фикрлашлари эмас, балки ургатаётганларини узлаштиришлари муқимдир. Шунинг учун дарс давомида қуқуррок ўқитувчининг узи гапиради. Бу услубда ишлайдиган ўқувчининг узигагина ҳос (индивидуал) ҳусусиятларини назардан қетда қолдиладилар. Уларга қаттиққуллик билан бошқариши ҳусусияти ҳос. Бундай ўқитувчиларнинг ўқувчилари дарс давомида муқтақил фикр юрита олмайдиган, бировнинг курсатмасига қура иш юритадиган, узига қаст баҳо берадиган қамгап, торқинчок, қуп ҳаяжонланадиган бўлишлари яққол қузга таишланади.

Ўқитувчиларнинг қўқчилигини авторитар услубда ишлаш сабабларидан бир канчасини курсатиб утишни мақсадга лойик деб ҳисоблаймиз:

1. Ўқитувчи қўқ йиллар давомида мавжуд авторитаризм заминида тарбия топганлиги;
2. Таълим тизимида ўқувчиларга қўқрок академик билимлар берилиши устивор бўлганлиги;
3. Ўқитувчида психологик билимларнинг етишмаслиги;
4. Бошқариш услубида бўйруқбозлик, айтганини қилдириш ва ортикча назоратнинг снгиб кетганлиги;
5. Ўқитувчида ўқувчи шахси ривожини диагностика қилиш малакасининг камлиги;
6. Ўқитувчининг салбий индивидуал психологик хусусияти (уз шахсини устун қуйиш, каттикуллик ва х.к)

Коммуникатив қўқбиятлар - болаларга аралашини қўқбияти, ўқувчиларга тугри ёндашини йулини топа билиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали узаро муносабатлар урната билиш, педагогик назокатининг мавжудлиги. Рус олими И.В.Страхов педагогик назокат психологиясини урганишга узининг катта ҳиссасини қўқган бўли, унинг таъқидлашича, педагогик назокати психологиясининг урганишдаги асосий нарса ўқувчига таъқир курсатишининг энг самарали усулларини топа олиш, тарбиявий таъқир усулларини қўқлашда педагогик нуқтаи назардан энг яқини чорага риоя қила билиш, конкрет педагогик вазифани, ўқувчи шахсининг хусусият ва имқониятларини ҳамда муайян педагогик вазиятни ҳисобга ола билишдир. И.В.Страхов педагогик назокатидек мураккаб психологик бирикмани қўқидаги тарқибий қисмларга ажратади: ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан ақлоқий – тарбия муносабати ва муомаланинг педагогик нуқтаи назардан мураккаб шаклининг ўқитувчининг ўқувчиларни оқилона севишининг бирлиги, ишонч ҳамда педагогик назорат, иродавий вазминлик бирлиги; ушбу ҳислатларнинг муомаладаги соддалик,

оддийлик, табиийлик, самимийлик ва хайрихохлик хислатлари билан бирга кушилиши.

Исталган педагогик таъсирни куллашда (М-н: рағбатлантириш, жазолаш, панд-насихат килишда) меъёрни сезиш педагогик назокати қуринишларидан биридир. Назокатли ўқитувчи болаларга илтифотли ва гамхур булади, уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан ҳисоблашади.

Педагогик назокатининг йуклиги қупинча оғир оқибатларга олиб келади.

Педагогик ҳаёл – уз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан қуришда ўқувчининг қелғусида қандай инсон бўлиши ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ бўлган шахсни тарбиялаб етиштиришда, тарбияланувчининг қандай фазилатларининг тараккий этишини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган махсус қобилиятдир. Бундай қобилиятга эга педагог қилаётган иши, қурсатаётган ўқитиш ва тарбиялаш методлари қелғусида қандай натижа беради, ўқувчининг қайси хусусиятларини ривожлантиришига ёрдам беради - бу нарсани ўқитувчи ҳамиша уйлаши керак.

Диккатни тақсимлаш қобилияти - ўқитувчи учун диккатнинг барча хусусиятларини – ҳам ҳажми, ҳам қучи, ҳам қучувчанлиги, ҳам идора қилина олиши, ҳам ишга солишлигининг тараккий этган бўлиши муҳимдир. И.В.Страхов ўқитувчида фаол, тупланган барқарор диккатни синфда юз бераётган ҳамма нарсага тез ва самимий тарзда тушунишда ифодаланувчи диккатнинг тараккий этган тақсимланиши билан уйғун равишда бирга қуйиши зарурлигини таъкидлаб утган.

Ўқитувчининг фаолияти ниҳоятда кенг қуламли, ҳудди шу сабабдан у лоқайдликка йул қуймаслиги зарур. У синчков, теран қузатувчан, бир вақтнинг узидда бир неча объектларга уз муносабатини билдира олиши лозим.

Психологик ташиҳиз (диагноз) қобилияти. Ўқитувчи турли хил ёш хусусиятли, индивидуал хусусиятли болалар билан ҳамқорлик қилади, уларга таълим – тарбия беради.

Хозирги вақтда булажак ўқитувчилани муҳим педагогик вазифаларни ижодкорона ҳал қилиш мақсадидауларнинг касбий маҳорат тизимида таъхис қуникмаларини муҳасамлаштириш шакли ханузгача таркиб топмаган. Таъхиз қобилиятининг бўлғуси ўқитувчилар томонидан ижодий узлаштирилиши, педагогик маҳорат сир – асрорларини мукамал забт қилишдаги муҳим босқич ҳисобланиши, шубҳасиздир. Мавжуд педагогик қобилиятларнинг барчасини юқорисавияда талабаларнинг таъхил олиш жараёнида узлаштиришга, эҳтимол эҳтиёж ҳам йукдир, пировардида уларнинг кейинги даврдаги мустақил педагогик фаолиятида бунинг учун қулай имқониятлар мажсудддир.

Мазкур муаммо доирасида утказилган илмий – тадқиқот натижаларимиздан шу нарса маълум бўлдики, бўлғуси ўқитувчиларни таъхис фаолиятига тайёрлашда мавжуд барча касбий педагогик қобилиятлар мажмуи тугрисида эмас, балки шакллантирилиши мумкин ва лозим деб топилган зарурий таъхис қобилиятлари ҳақида суз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу мақсаддан қелиб қиккан ҳолда, биз уз тадқиқотларимиз учун маҳсус «Меъёрий модел» яратишга муваффақ бўлгандик.

1. Таъхис-қонструктив қобилиятлар асосини таъхис фаолиятини ижодкорона ва моҳирона лойиҳалаштириш характериға эға бўлган:

- диагностика маълумот ва материалларни туплаш ва самаралаш;
- ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига ҳос тадқиқот методларини тугри танлай олиш;
- Таълим-тарбия ишларини олинган маълумотларнинг натижаларига асосланган ҳолда лойиҳалаштириш.

2. таъхис-ташкилотчилик қобилиятлар тоифасига эса, таъхис фаолиятини тугри ва мақсадга мувофиқ уюштира олишга қаратилган:

- бир вақтнинг узида қатор педагогик жараёни ташиқил эта олиш;
- турли педагогик вазиятларда таъхис фаолиятини тугри уюштира олиш.

3. Таъхис-коммуникатив қобилиятлар таъхис фаолиятини утказиш жараёнида синалувчилар билан ҳамкорликдаги мулоқотларнинг узига хос хусусиятларини ифодаловчи:

- таъхис ишлари жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни тугри уюштири олиш;
- ўқувчиларга нисбатан узининг шахсий мойилигини, дустоналигини намоён қила олиш ва шу сингарилар.

4. Таъхис-диагностик қобилиятлар ўқитувчиларнинг уз шахси ва фаолиятидаги ютук ва камчиликларини тугри англаб эта олиши улардан тегишли хулоса чиқариб, кейинги фаолиятини янада самарали ривожлантириш учун зарур булган қобилиятдир, таъхис қобилиятларининг талабаларнинг тахсил олиш жараёнида касбий махорат тизимида мужасамлаштирилиши, уларнинг кейинги мустикал фаолиятида узларини нафақат фан ўқитувчилари, балки ўқитувчи-психолог сифатида ҳам фаолият курсатишлари таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва самарадорлигини янада оширишининг муҳим шартидир;

- узининг тажрибали ва педагогик фаолиятини тугри ва танкидий тахлил қила билиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини урганиб, ундан тугри хулоса чиқариб, уз фаолиятига татбиқ эта билиши.

5. Таъхис-амалий қобилиятлар сифатида эса, ўқитувчининг индивидуал, шахсий-амалий педагогик санъати, уdda буронлигини ифодаловчи: - таълим-тарбия жараёнида ва бевосита тадқиқотларни утказишда психология ва педагогика асарларини, айниқса, этнопсихологик билимларни мукамал билишлар қучайганлиги, лаёқати, қобилиятлар ва истеъдоди, касбий лавозимида мувофиқлиги қабилар) умумий сифатни ажратиб олишидир. Етук инсон сифатида қамол топишига уз хиссасини маълум даражада қушади. Шунинг учун ҳам хар қайси ўқувчининг келажagini оқилона тасаввур қилишдан иборат олдиндан башират этиш қобилияти унинг учун қатта ахамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижодий қобилият тушунчаси, педагогнинг педагогик фаолиятни амалга оширишига назарий ва амалий тайёргарлик даражасини ифодалайди ва унинг профессионализмини тавсифлайди.

Шубҳасиз. “ижодий қобилият” ва “профессионализм” тушунчалари синонимлар сифатида қаралади. Бироқ, уларнинг моҳиятини аниқлашда фарқлар бор. Жумладан, профессионализм дейилганда “касбнинг одам шахсий меъёрий талаблари тушунилади. Бу ерда профессионализм – одамнинг меҳнатни муваффақиятли бажариши учун зарурий шахсиятли характеристикалари мажмуи” тушунилади. Бундай тушуниш шартли равишда “меъёрий профессионализм” деб аталади.

Педагогик касб вакиллари профессионализмининг моҳиятли характеристикаларига диагностик, коммуникативлик, бошқарув ва проеكتив ўқувлар гуруҳларини киритиш лозим. Меҳнатнинг ижро-ҳаракат томонига қўйиладиган талаблар ушбу хусусиятларни назарда тутуди: касбий қўйилган нутқ – аниқлик. Дона-дона талаффуз, тингловчилар учун қулай суръат. Тушунарлилик, ҳиссиётлилик, ҳаракатлар ва мимиканинг ифодалилиги, ҳаракатларнинг аниқлиги ва мувофиқлаштирилганлиги.

Педагог профессионализмининг ўзига хос жиҳатлари кўп томондан унинг меҳнати хусусиятлари билан аниқланади. Ўқитувчи фаолиятига бағишланган асарларнинг таҳлили объект билан, меҳнатни амалга ошириш усуллари ва натижалари билан. Бу фаолиятнинг мақсадлари ва вазифалари билан боғлиқ хусусиятларни ажратишига имкон беради. Меҳнат объекти бошқа одам – ўз мақсадлари, майлига эга бўлган, доимо ривожланувчи, касбий қарор топиш жараёнида турган педагогик жараённинг фаол иштирокчисидир. Бошқача айтганда, ўқитувчи вариатив фаолият объектига эга. Педагог меҳнатига мажмуавий хусусият ва пировард мақсаднинг узоқлиги, ўқувчиларнинг мавжуд контингенти билан белгиланадиган мақсад йўналишларининг нотипиклиги хосдир. Педагогик вазифаларнинг қўйилиши ва қарор қабул қилиш ўқитувчи томонидан

ноаниқлик шароитларида амалга оширилади, улар(вазифалар) натижалардан вақт бўйича узоқлашган. Фаолият усуллари танлаш шахснинг маънавий дунёсига фақат бошқа шахс – ўқитувчининг маънавий дунёси билан таъсир кўрсатиши мумкин, деган қоида билан аниқланади.

Меҳнат усуллари ажмуавий характерга эга. Ўқитувчи меҳнатининг натижалари ўқитилаётган одамнинг психик ривожланишидаги сифатий ижобий ўзгаришлар билан аниқланади.

Фундаментал билимлар, уқувлар, қобилият, анланган ижтимоий-шахсиятли позициялар ва қоидалар, муҳимлик ориентациялари, шахснинг маънавий сифатлари синтези ҳисобига субъектив-ижтимоий ролларни бажариши таъминланади, бу эса айни шу педагогнинг профессионализмини тавсифлайди.

Шундай қилиб профессионализм олий сифатни, касбни чуқур эгаллашни. Уни сифатли, профессионал бажаришни англатади. Педагогнинг педагогик фаолият субъекти сифатидаг, яъни унинг профессионализмининг сифати ижодий қобилиятининг юқори даражаси ва педагогик вазифаларни маҳсулдор ҳал этиши таъйёргарлиги билан белгиланади.

“Профессионализм” ва “ижодий қобилият” тушунчалари фаолиятнинг мукамаллиги, олий сифати ва уни амалга ошириши даражасининг бир йўналишли векторидир. Одам профессионализми лаёқатлилиги билан бир қаторда касбий йўналганлиги ва шахснинг касбий муҳим сифатларининг мавжудлиги билан таъминланади. Профессионализмнинг юқори даражасига одам ўз фаолиятини мукамал эгаллаш ва узоқ вақт бажариши жараёнида эришади.

Педагог касбий қобилиятининг қуйидаги турлари фарқ қилинади:

- маҳсус қобилиятлилиқ – касбий фаолиятини етарлича юқори даражада эгалланганлик, ўзининг келгуси касбий ривожланишини лойиҳалаш;
- ижтимоий қобилиятлилиқ – биргаликдаги(гуруҳли, кооператив) касбий фаолиятни. Ҳамкорликни, шунингдек, мазкур касбда қабул қилинган

касбий мулоқот услубларини эгалланганлик, ўз касбий меҳнати натижалари учун ижтимоий масъуллик;

- аутоқобилиятлилик – ўзининг ижтимоий-касбий характеристикалари ҳақида тўғри тасаввур ва касбий деструкцияларни енгиб ўтиши технологияларини эгалланганлик;

- экстремал ижодий қобилият – тўсатдан мураккаблашган шароитларда, ҳалокатларда, технологик жараёнлар бузилганида ва ҳ.к.ларда ишлаш қобилияти.

Ижодий қобилиятнинг кўрсатиб ўтилган турларининг бундай хилма-хиллигига қарамасдан, тадқиқотларда уларни таснифлаш мумкин бўладиган умумлаштирувчи меъёрий асос мавжуд эмас. Масалан, ижтимоий ва экстремал қобилиятларни тавсифлаш учун турли асослар мавжуд. Улар тузилиши, мазмуни ва тарбиялаш шароитлари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Лаёқатлилик турлари одамнинг касбий фаолиятда ва муомалада етуклигини, профессионал шахснинг қарор топишини англатади. Бу ерда “етуклик” сўзи одам руҳий, ақлий ва жисмоний қобилиятининг энг юқори ривожланган, ривожланган масъулият ҳисси, бошқа одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш эҳтиёжи. Жамият ҳаётида фаол иштирок этиш қобилияти сифатида қаралади.

Ижодий қобилият дейилганда нимани тушунмоқ керак? С.И. Ожеговнинг рус тилининг изоҳли лугатида “лаёқатли – бирор соҳада билувчи, хабардор, компетенция – 1. Кимдир яхши хабардор бўлган масалалар доираси сифатида таърифланади. 2. Кимнингдир ваколатлари, ҳуқуқлари доираси”. Чет тиллар изоҳли лугатида лаёқатли – маълум соҳада билимдон, хабардор одам, ўз билимлари ва ҳуқуқлари бўйича бирор нарсани қилиши, бирор нарса ҳақида ҳукм чиқариши мумкин бўлган одам. Бироқ, “лаёқатлилик” ёндошуви доираида лаёқатлилик бу ўқувчининг эгаллаган билимларига, унинг ўқув ва ҳаётига, тажрибасига асосланган, билиш фаолияти ва таълим амалиёти натижасида ривожлантирган мустақил

амалга ошириладиган қобилиятдир. Ўз навбатида лаёқатлилиқ дейилганда “атроф борлиқ ёки фаолиятнинг одам лаёқатлилиги билан эгаллаши лозим бўлгансоҳаси(доираси)деб тушуниш мақсадга мувофиқдир. Демак, лаёқатлилиқ аниқ вазиятда намоён бўлади, индивид лаёқатлилигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишида муҳим омил ҳисобланади. Айнан мана шу жиҳатларни ривожлантириб бориш бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Бундан ташқари ўқитувчи юкорида санаб утилган қобилиятлардан ташқари шахснинг бир канча ижобий сифатларига, яъни мақсадни кузлаш, катъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби фазилатларга ҳам эга булиш керак. Ўқитувчи юкоридаги қобилиятлар, сифатлар ҳамда педагогик маҳорат билан тугилмайди, ёки булар бирданига таркиб топиб қолмайди, бунинг учун вақт, тажриба, меҳнат, уз устида ишлаш каби қуп босқичлар керак булади.

Юкорида айтилганидек, у ўқувчиларни узининг шахсий намунаси, уз шахсий хулқ – атвори ва бутун шахси билан ҳам тарбиялайди. Бу сифатлар орасида саботлилиқ, узини тутта билиш, уз хис – туйғуларини, кайфиятини, кечинмаларини, темпераментини бошқара олиш сифатлари алоҳида ахамиятга эга булиб, ўқитувчи бундай сифатларни узиди таркиб топтириши зарур.

Педагогик – психологик назария ва мактаб, богча амалиёти шундан далолат бермокдаги, ўқитувчи – тарбиячининг «Педагогик маҳорати – унинг шахсий (болажонлиги, хайрихохлиги, меҳрибонлиги, одамийлиги ва х.к.) хусусиятларини ташкил этиб, уз ўқув фанини чуқур ва мукамал билишида, психологик – педагогик тайёрларлигида, ўқувчи – ёшларни, болаларни уқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг оптимал (самарали) йул – йуриқларини билишида намоён буладиган холатдир».

Демак, ўқитувчининг касбий – педагогик маҳорати маълум психологик – педагогик билим, лаёқат қобилиятлар тузилмасидан иборат булиб, бу тузилмалар куйидагилардир:

- ўқитувчи юксак илмий – назарий қараиш асосини эгаллаган, гоёвий –сиёсий эътиқод, умуминсоний фазилатлар эгаси булиши;
- юксак шахсий фазилатни узида тарбиялаган, ўқувчиларга педагогик меҳнатга чексиз муҳаббат ҳисси билан сугорилган булиши;
- шахсий интеллектуал, эмоционал – иродавий сифатлари асосини ташкил этган педагогик (дидактик, академик, перцептив, коммуникатив, нутқ, ташкилотчилик, авторитар) қобилиятлар эгаси булиши;
- педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари – педагогик техника, педагогик муомала, педагогик назорат, педагогик ҳаётнинг психологик – педагогик асослари билан қуролланган булиши;
- ҳамиша жушқинлик, ижодийлик, янгиликка интилиши, тадқиқотчилик, техник малакаларни мукамал эгаллаган булиши;
- ўқитувчи – тарбиячилик қасби учун зарур бўлган ижтимоий – иқтисодий, ахлоқий, психологик, педагогик, илмий – табиий, техник – технологик, тиббий – физиологик, экологик, ҳуқуқий, бадиий – эстетик, инновацион-информацион, умуммаданий- маънавий билимларни эгаллаган булиши даркор. Ўқитувчи қасбий – педагогик тайёргарлигининг юқорида қайд қилиб утилган психологик хусусиятлари қасбий маҳоратнинг қуйидаги малакаларини таркиб топшиши учун имкон яратади:
 - уз билим, қуникма, малакаларини мустакил равишда такомиллаштиришига комплекс ёндашиши;
 - илгор илмий – назарий ва амалий тажрибаларни онгли узлаштириши имкониятини яратиши;
 - мустакил таълимни режалаштириши инновацион ахборотларни изчил урганиши;
 - илмий – назарий, педагогик – психологик таълимотни амалий фаолият билан боғлиқ равишда олиб бориши;
 - уз педагогик маҳоратини эркин, мақсадга мувофиқ йуналтириши;
 - доимий равишда педагогик ижод, мустакил таълимга қизиқиши ва эҳтиёжни сеза олиши малқасини таркиб топтириши;

- мустақил таълим олиб педагогик маҳоратни шакллантиришнинг янги, самарали йулларини излаб топши эҳтиёжини тарбиялаш.

Педагогик қобилиятлар ҳамда педагогик маҳоратни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг юқорида қайд қилиб утилган йуллари хусусида, бунда психологик билимларнинг зарурлиги тугрисида мактаб амалий фаолиятида ҳар доим ҳам эътибор қаратилмайди. Натижада янги педагогик технологиялар асосида педагогик қобилият ва маҳоратни такомиллаштириш талаб даражасида уз муддаосига етди деб булмайди. Ўқитувчи қобилиятини ва касбий маҳоратини жараён булиб, уни талабалик йилларидан шакллантириш муҳимдир.

3. Ёш ўқитувчиларда педагогик қобилият ва педагогик маҳоратни ривожлантириш усуллари ҳамда олинган натижалар

Олий ўқув юртларида малакали, уз касбининг мохир устаси, етук мутахассислар тайёрлашиш талабаларда касб маҳорати сифатларининг қай даражада таркиб топтирилишига, бу ишларни илмий – услубий жихатдан тугри йулга қуйилишига боғлиқ.

Қуйида масаланинг услубий жихатини ёритишига эътибор қаратмоқдамиз. Талабанинг педагогик қобилиятлари ва касбий маҳоратини таркиб топшиш жараёнига бир бутун комплекс тизим сифатида қарасак, у уз ичига касб танлаш, профессионал фаолият қаби жараёнларни қамраб олади. Жумладан, шахснинг таркиб топшиш ҳам узлуксиз жараён булиб, унга шахсий фаоллик: уз- узини ривожлантириш, уз имкониятларини намоён этиш, (профессионал) узлигини англаш ва ижтимоий омиллар таъсир этади. Мутахассис шахсида педагогик қобилият ва маҳорат малакаларининг таркиб топшиш уз навбатида янада мураккаброк ва серқирра жараёндир, яъни у шахснинг касбга қизиқишидан бошланиб, тоқи нафақага ёшига етгунча, яъни бутун педагогик фаолияти даврини уз ичига олади.

Мутахассис шахси узлуксиз таълим доирасида ривожланиб боради. Айниқса, олий ва урта махсус ўқув юртлирида касбий махоратнинг фундаментал асослари – профессионал билим ва малакалар интенсив ривожланади. Профессионал билим, малакалар асосида эса профессионал сифатлар таркиб топади. Профессионал сифатларни булажак мутахассис – талабаларда шакллантириши серкирра ва динамик жараён булиб, уни тадқиқ этиши учун биз психопедагогик тахлил бирлигини танлаб олдик.

Психодиагностик тахлил бирлигини танлаб олишдан мақсад – мутахассисликнинг умумий хусусиятларини узида акс эттира оладиган (касбга эътиқоди, меҳр куйганлиги, лаёқати).

Тадқиқотга куйилган умумий методолик талаблардан келиб чиқиб, биз бундай сифатни «профессионал фаоллик» деб танладик. Бу сифатнинг асосий омили сифатида куйидагича изохлаймиз: биринчидан, профессионал фаоллик булажак мутахассис шахсининг таркиб топиши жараёни хусусиятларини узида мужассамлаштиради. Иккинчидан, у эҳтиёж – мотивация тавсифномаси ва мутахассис фаоллияти, натижавий компонентларни интеграциялаштиради.

Талабаларда касбий билим ва малакалар таълим-тарбия жараёнида таркиб топади. Шунинг учун ҳам касбий сифатларни таълим жараёнида ривожлантириши, талабаларда касбий билим ва мақолалар асосида мутахассислик хусусиятига хос энг муҳим сифатларни ривожлантириши тугрисида фикр юритиши билан талабаларда калбий сифатларни ривожлантириши усулларини белгилаб бериши долзарб вазифа хисобланади.

Мақтабгача таълим тарбиячиси, узбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, инглиз тили ўқитувчиси, биология ва экология ўқитувчисини тайёрлаш тадқиқотимиз объектидир.

Педагогик йуналишидаги мутахассисликлар учун педагогик махорат асослари илмий жихатдан анча кенг ишлаб чиқилган. Лекин уларга хос хусусиятлар асосида булажак мутахассисда мавжуд, яъни шаклланаётган профессионал сифатларни ривожлантиришининг психо-педагогик фаол

узулларини таълим жараёнида куллаш унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат килади.

Бугунги кун мутахассисининг фаолиятида кенг доирадаги мулокат мухим ахамиятга эгадир. Чунки улар хамкасблари, турдош соха ходимларга, ахолининг турли ижтимоий кетлами, миъжозлар, муассаса ва корхона ходимлари (ота-оналар) билан мунтазам равишда бевосита муносабатда буладилар. Ёшлар ва болалар жамоалари уз фаолиятларини самарали равишда ташикил этишда мулокат маданияти хамда профессионал сифатларни эгаллаб борадилар ва шу сифатларга таяниб иш олиб борадилар.

Биз «Мутахассислар тайёрлаш жараёнида педагогик қобилият касбий махорат асосларини шакллантириш» деб номланган илмий-тадқиқот дастури асосида талабаларда профессионал сифатларни такомиллаштириш, ривожлантиришга қаратилган махсус усуллар, яъни психологик тренингдам фойдаланиб, илмий изланишлар олиб бордик. Олдимизда дастур йуналишлари асосида таълим йуналишлари буйича ихтисослик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабаларда коммуникатив қобилият ва сифатларни ривожлантириш, психодиагностика, коррекция вазибалари турарди.

Илмий тадқиқот жараёнида биз таълимнинг турли усулларида фойдаланиб, талабаларда профессионал сифатларни ривожлантиришнинг фаол усуллари сифатида социал, психологик, педагогик вазиятлар, тестлар хамда психопедагогик тренингдам каби методларни кулладик.

Биз олиб борган илмий-тадқиқотлар дастурининг узига ҳос томони шундаки, у фақат коммуникатив сифатларни ривожлантиришнинг узинигина эмас, балки мутахассис шахсини, унинг профессионал сифатларини ривожлантиришни хам назарда тутарди. Дастурни амалга ошириш, шубҳасиз, талабаларнинг ёки ёш педагогларнинг нотиклик, уз узини бошқариш, муаммоли вазиятлардан чиқиш, қарама-қаршиликларни юмиштириш, уз позициясига шерикни маслаштириши олиши, ихтисосликка ҳос

жараёнларга рахбарлик килиш ва бошқариш каби педагогик қобилиятлар ҳамда касбий маҳорат малакалари, уларнинг профессионал хусусиятларига мос сиёсий, ижтимоий, ижодий, коммуникатив каби йуналишлардаги фаолликларига таянади.

Илмий тадқиқотни 4 босқичда олиб боришни режалаштирдик:

1-босқич. Профессионал камолот даражаси юқори бўлган талабалар билан ҳамкорликда муаммоли вазиятлар, масалалар мажмун, уртага қуйилган масалаларга доир талабалар фикр-мулохазаларини йуналтирувчи саволлар ҳам тузилади.

2-босқич. Талабаларда мавжуд профессионал қобилиятлар, маҳорат, малака ва дунёқарашларни аниқлаш. Бунда психопедагогик, ижтимоий ҳамда ихтисосликка тегишли тестлардан фойдаланилади. Маърузаларда (масалан: психология, педагогика фанлари, ихтисосликка оид фанларда) фаол қатнашган талабалар билан, улар ёрдамида машгулотлар сценарийсини тузиш мумкин. (Айниқса методика фанларида бу усуллардан самарали фойдаланиш зарур).

3-босқич. Машгулот сценариясида кузда тўтилган ролларни тақсимлаш. Талабаларга мулоқот мавзуси, қуриладиган масалалар олдидан бериб қуйилади.

4-босқич. Машгулотларни таъкил этиш. бу босқич машгулот жараёни бўлиб, талабаларнинг касбий қобилиятларини, маҳоратларини, уз истеъдодларини қай даражада намоён қилиш иқтидорли баҳоланади. Бунда талабаларнинг ижодий қутаринги қайфиятлари, рухий ҳолатлари, профессионал фазилатлари чуқурроқ урганилади ва ривожлантирилади.

Бундай машгулотлар қуйидаги асосий мақсад ва вазифаларни уз ичига олади:

- мулоқотда қатнашувчи ҳар бир талабанинг уз-узини бошқариш, узини тутишидаги хатти-харақатларида узлигини профессионал аниқлаши таъминлаш;
- талабаларнинг шахсий қобилиятлари лаёқатлари ва қамчиликларини аниқлаш;

- ишбилармонлиги, уddaбуронлик куникма ва малакаларини ривожлантириши;
- коммуникатив куникма ва малакарни ривожлантириши;
- амалий фаолият самарадорлиги учун зарурий профессионал махоратни тарбиялаш;
- узаро ҳамкорликдаги – шерикчиликдаги муносабатларни ривожлантириши, бунда узаро боғланиш (контакт), суҳбатдошинг (болалар, ўқувчиларнинг) нерв-эмоционал кучланишларини тинглаштириши, фаол тинглаш, шерикка насбатан мослашув ва шерикни ҳам узига мослаштириши, кизикишларини келиштириши, турли вазиятларда уз нуктан назарини асослаш, можарали вазиятларда, жумладан муаммоли вазиятларда узгалар ҳамда узининг хатти-харакатларидан зуриқишларни юмшатиши, маълумотларни тугри қабул қилиш ва қайта боғланиш малакаларини ҳосил қилишга эътибор берилади;
- Бошқа соҳа мутахассислари (жумладан ота-оналар). Нуктаи назарлари, ташвишлари, муаммолари, ҳолатларини тушуна билиш махоратларини ривожлантириши;
- Профессонал, психопедагогик, ижтимоий гуманитар таълимнинг мақсад ва вазифаларининг муштараклиги асосида талабалар руҳида узаро ҳамкорлик меъерларини мустаҳкамлаш.

Тайёргарлик босқичида талабалардан махсус суҳбат, тест асосида уларнинг психологик хусусиятлари ва мулоқотга қиришувчанлик имкониятлари аниқланди.

Иккинчи босқичда уларнинг профессионал сифатларини ривожлантириши ишлари амалга оширилди. Яъни психодиагностик масалалар ечиш, вазиятларни таҳлил қилиш, ишбилармонлик уйинлар ва ролларни мутахассис фаолиятида учрайдиган материаллар асосида турли мураккаблик даражасидаги коммуникатив қобилият ва малака, маданият талаб этиладиган машқлар ҳам бажарилиб, муҳокама қилинди.

Вазиятларни ишлаб чиқиш жараёнида ва дастурлаштирилган вазифаларни талабалар билан амалга оширишда, уларнинг амалий мулоқотида тусик

буладиган психологик хусусиятлар (барьерлар) ва манбаларни иштирокчилар англаб етдилар.

Охирги, учинчи, яъни хулоса чиқариш босқичи талабалар билан маслахатлашув сифатида яқунланди. Бу жараёнда аввалги босқичларда урганган тажрибалар, профессионал сифатларни мустахкамлаш мақсадида уз-узини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш учун яқка тартибли, гуруҳли психопедагогик маслахатлар утказилди.

Олиб борилган амалий тадқиқотлар натижасида, талабаларда коммуникатив профессионал фаолликнинг ривожланиш динамикаси куйидаги жадвалда келтирилган:

№	Мутахас сис- ликлар	Талабалар сони	Тадқиқотдан олдин				Тадқиқотдан сунг				Професси о-нал фаолликн инг усиши (фоизлар да)
			Проф-л фаол		Проф-л пассив		Проф-л фаол		Проф-л пассив		
			Тала ба сон	%	Тала ба сон	%	Тала ба сон	%	Тала ба сон	%	
1	Узбек тили ва адабиёти	24	14	58, 8	10	41,2	22	91, 6	2	8,4	32,8
2	Хорижий тиллар	26	12	41	14	59	24	93, 2	2	6,8	52,2
3	Биология ва экология	16	8	50	8	50	15	93, 8	1	6,2	43,8
4	Мактабг ача ва ОТ	25	11	44	14	56	22	88	3	12	44
	Умумий курсатки	91	45	48, 6	46	51,4	83	82, 8	8	8,9	42,8

	ч										
--	---	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Олиб борилган экспериментал тадқиқотлардан курииб турибдики, талабаларда коммуникатив профессионал фаоллик уртача 48,6 фоиздан 82,8 фоизга ривожланди. Профессионал фаолликнинг усиши динамикаси эса экспериментал утказилган мутахассисликлар гуруҳларида 34,2 фоизга узгарди.

Профессионал фаоллиги пассив даражадаги талабалар учун фаол усуллар кулланилиши натижасида пассивлик 54,4 фоиздан 8,9 фоизгача камайиши аниқланди. Бу 8,9 фоиз талабалар билан уларни фаоллаштириши учун махсус якка тартибда таълимий, тарбиявий иш олиб бориши талаб этилади.

Утказилган тадқиқот натижаларини тавсиф-тахлил этиши асосида куйидаги хулосаларга келинди:

- талабаларда профессионал сифатларни ривожлантириши учун уларга таълим-тарбиянинг фаол субъекти сифатида ёндашув тугри булади;*
- олий таълимнинг энг замонавий, илгор усулларини амалда куллаш таълим самарадорлигини оширишига хизмат килади;*
- касб махорати, хусусий методика фанларига кўпроқ соат ажратилиши, шунингдек, ижтимоий фанлар ва ихтисослик предметлари билан изчил боғланиши таъминлаш мақсадга мувофиқдир психопедагогик тренинглardan самарали фойдаланиши муҳимдир.*

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай машгулотлар талабаларда педагогик қобилиятларни шакллантиришининг ягона йули эмас, шу уринда мутахассислик амалиётида касб махоратини ривожлантириши муҳим аҳамиятига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кун мактаби учун факатгина дипломли мутахассис эмас, балки ўқувчилар кунглига йул топа оладиган, назарий жиҳатдан эгаллаган билимларни амалиётга тадбиқ эта оладиган ўқитувчилар керак. шунинг учун хам педагогика олий ўқув юртига уқишни хоҳлаган ёшларда ушбу касб талаб киладиган лаёқатларнинг булиши

муҳимдир. Ушбу лаёкатлар уқиш, меҳнат давомида ривожланиш имкониятига эга булади.

Талабаларнинг ўқитувчилик касбини эгаллашига таъсир этган омили аниқлаш мақсадида институтнинг ҳамда педагогика коллежининг биринчи босқич талабалари билан махсус суровнома утказди.

Суровда 100 та талаба иштирок этиб, уларнинг саволларга қайтарган жавоблари хилма-хил ва кизикарлидир. Биз бу ерда саволларнинг бири уйда тухталмоқчимиз, негани талабаларнинг 35 фоиздан кўпроги бевосита ўқитувчиларнинг таъсирида шу касбни танлаганлигини баён этиши керак.

«Менинг ўқитувчилик касбини эгаллашимга факатгина ўқитувчиларим сабаб бўлди деган хато қилмайман. Мактабимизда ахил, соғлом муҳит барқарор эди. Ўқитувчиларим уз қалбини усталари, мактабдаги ҳаёт ва шароит мени Педагогика институтига йулида» Мадина С.

«Менинг келажак йулимни белгилашда ўқитувчиларнинг хиссаси катта. Мен уларни меҳрибон, ақлли, ҳаракат ҳуй инсонлар сифатида биламан ва улардай бўлишга ҳаракат қиламан» Гузал М.

«Мени ўқитувчилик касбини танлашимда бошланғич синф ўқитувчининг урни катта у кичик ёшдаги болалар ўқитувчиси сифатида уз билимини содда, болажонлар учун тушунарли, кизикарли қилиб утиши услуби билан ажралиб туради. Мен ҳам худди шу муаллимимдек ўқитувчи бўлишни истайман. Унинг биз болажонларнинг қалбига йул топа билишичи. Эҳ-хе» Асалхон Ж.

Демак, 70 фоиз талабаларнинг ўқитувчилик касбини танлашда муаллимининг роли юксак эканлигини олинган натижалар тулик исботлайди. Бундан ташқари, айрим жавоблардан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, касбга нисбатан лаёкат, кизикишининг ҳосил бўлишида алоҳида фанларга нисбатан муносабат ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни назарда тутуши керакки, буқизикиш ҳам уз-уздан эмас, балки ўқитувчининг дунёқараши, билими асосида ҳосил булади.

«Менинг ўқитувчилик касбини танлашимда Хайрихон опой Хайдаровнанинг фидоийлиги, уз фанини пухта билиши, уни айниқса амалий билан, қундалиқ

хаёт билан, боглаш сабаб булган. Улар хар бир мавзуни хаётий далиллар билан тушунтирар эдилар. Шунинг учун хам мен биология фани ўқитувчиси булишини орзу килганма.»

Демак, аник мақсад, касб хақидаги етарли маълумотга эга булиб, касб эгаллаш бўлгуси касб эгаси учун хам жамият учун хам фойдали, лекин барча талабалар хам уз келажаги хақида тулик тасаввурга эга, эмас. Бу эса касб танлаш ишларини тубдан яхшилашни такозо этади.

Бугунги кунда касб танлаш остонасида турган ёшлар, ўқитувчилик касбининг узига хос томонларини билими ва лаёкаткарига еришади? Йўқми? Тушуниши зарурдир. Ўқитувчилик касби талаб килган шахсий фазилатлар уларда мавжудми, агар йўқ булса келажакда уларни узига шакллантиришига кузи етадимми? Ёшлар узларидаги мавжуд имкониятларни оқилона баҳолай олмасликлари, бу ишга мослаша олиши ёки олмасликларини билмайдилар.

Бундай кунгилсиз холатларнинг олдини олиши учун педагогик ва психологик омилларга алоҳида эътибор бериш ва ёшларда албатда ўқитувчилик касби хақида тасаввурни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташкари хар бир ўқитувчи мулокот профессионализмга юкори даражага эришиши лозим.

Ўқитувчининг касбий мулоқотида бир-бири билан узвий боғланган 2 та бўгинни фарклаш мумкин.

1. Мулоқотнинг умумий асослари. Булар – ижтимоий тузум характери утмиш кадриятлари булиб унда ўқитувчининг педагогик фаолияти, таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари амалга оширилади.
2. Мулоқотнинг индивидуал асослари. Бу мулоқот услуги, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи уз педагогик фаолиятида куллайдиган конкрет усул ва воситалар туплами.

Бу бугинлардан бирортасининг мавжуд булмаслиги ўқитувчининг профессионализми мавжуд эмаслиги, мулоқот касбий маданияти ривожининг паслигидан далолат беради.

Ўқитувчининг касбий мулоқот маданияти – бу унинг қобилиятлари, бошқа одамлар билан узаро муносабатлар урнати олиш маҳоратининг ижтимоий аҳамиятига эга бўлган курсаткичидир. Ўқитувчининг касбий мулоқот қобилияти педагогик фаолиятни амалга оширишининг муайян шароитлари асосида шаклланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг мулоқот маданияти доимо таълим-тарбия жараёнидаги узаро муносабатларда ўқитувчи қандай воситаларни қўллашининг курсаткичи ҳисобланади. Ўқитувчи турли хил индивидуал хусусиятга эга бўлган, турли жинсдаги ёки ёшидаги болалар билан турли хил оилада тарбия қўрган болалар билан иш қўрар экан, агар уларнинг шу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар билан узаро муносабатлар урнати олмас экан, бу ҳолда коммуникатив қобилият тўғрисида умуман гап бўлиши мумкин эмас.

Педагогик коллежда фаолият қўрсаётган ўқитувчиларнинг коммуникатив қобилиятини аниқлаш мақсадига тажриба ишларини олиб қўрдик ва уларнинг натижаларини таҳлил қилдик. Ўқитувчиларнинг коммуникатив қобилияти қай даражада шаклланганлигини аниқлаш мақсадида уларга ўқитувчиларининг аниқлаш саволлари берилди. Олинган натижалар таҳлил қилиб умумлаштириб қўрилди. Ўқитувчиларнинг талабалар билан бўлган узаро муносабатлари, муаммоли маданияти даражаси қўратиб қўрилди ва урганилди. Бу тақбирлар тажриба-синовнинг мавзунини ва методикасини аниқлаш имконини берди.

Маълумки, узбек халқи анъаналарида ўқитувчига нисбатан узига ҳос муносабат мавжуд бўлиб, уни нафақат таълим берувчи, балки ўқитувчиларнинг тарбияловчиси тиш олига ҳам юқори даражадаги ижтимоий талаблар қўйилади. Ушбу масалалар, ҳет эл, узбек психологлари томонидан у ёқи бу даражада урганилган бўлсада, уларда таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчилари ёқи аксинча ўқувчилар томонидан ўқитувчиси идрок қилиши ва тушуниши жараёнлари, унинг тарбиячилик фаолиятини баҳолаш ҳолати билан боғлиқ маълумотлар етарлича эмасдир.

Шунингдек, ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг ижтимоий пецептив фаолиятларида инсонларнинг кундалик онги доимий равишда ижтимоий маданий мухит омиллари ҳамда ондаги ва инсонлар хулк атворидаги миллий стереотипларнинг таъсирини инобатга олиш ўқитувчи билан ўқувчиларнинг узаро муносабатларига алокадор махсус тадқиқот утказишимизни тақозо қилди.

Куйидаги жадалда ўқувчиларнинг ўқитувчининг айрим қобилиятларига боғлиқ фаолиятига берган баҳоларини тадқиқ қилишдан олинган натижалар келтирилган:

№	Таълим-тарбия жабахалари	Муносабатлар бевосита фоизхисобида				
		аниқ ха	ха	айтиш қийин	деярли йук	аниқ йук
1	Адабиёт, санъат ва шеърияти севиши	22,1	30,2	32,2	12,3	3,1
2	Гузалиқни кадриялашга	15,3	33,3	29,2	14,8	7,2
3	Одамларни хис этиш ва тушунишига	29,6	30,2	15,6	10,7	13,58
4	Қайда мустикал йул танлаш	22,5	53,7	12,8	4,1	6,6

Жадалдаги натижаларнинг курсатишича, талабаларни «адабиёт ва санъат» шеърият орқали тарбиялашни 47 % институт ва 17 фоиз коллеж талабалари етарли даражада амалга оширилмайди, деб хисобладилар, «гузалиқни кадрлаш туйғуси», «табиатни тушуниш, ундаги уйғонишни идрок қила билиш қобилиятини шакллантириш буйича». 23 фоиз институт ва 15 % коллеж талабалари уларни нафосат жихатдан қамол топишида ўқитувчилари етарлича иш олиб бормаётганлигини таъқидладилар.

Таълим-тарбия жараёнида талабаларни «инсонларни (болаларни) тушуниш, унинг кадр-киммати ва бетакрорлигини билиш»га ургатиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, лекин, институт талабаларининг 50 % ида бу тарбия жабҳаси ўқитувчилар томонидан юқори савияда олиб борилмаётганлиги қайд этилади. Шунинг учун таълим-тарбия фаолияти фақат ўқувчининг ижтимоийлашуви учун эмас, балки улар билан ишончли муносабатга киришиш учун ҳам зарур психологик ҳолат эканлигини эсда тутмоқ лозим.

Ўйилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида, коммуникатив қобилиятларини намоён қилиш бўйича текширилувчиларда ёш ҳамда жинс хусусиятлари юзасидаги маълум бир фарқлар борлиги аниқланди. Масалан: ёш домлалар ёши улуг домлаларга нисбатан коммуникатив хусусиятлари кучлироқ ривожлангандир. Масалан: юқори коммуникатив хусусиятга эга бўлган домлалар 41-40 ёшда 22 % ни ташкил қилган бўлса, 31-40 ёшда 28 %, 20-30 ёшда 36 % га кутарилган. Бундай ҳолнинг сабабини, аввало ёш хусусиятининг узига ҳос томонлари билан, яъни ёшларнинг ҳаётда узларини фаол намоён қилишга интилишлари, қизиқишлари доирасининг ранг-баранглиги билан изоҳлаш мумкин. Аксинча, ёши улугроқ домлаларда ёшларга нисбатан ҳамдардлик ҳисси кучли акс этган. Аёл мураббийларда (ёшироқларида) ҳамкорлик қилишга ҳамда келишишга дастлабдан даврда мойиллик кучли бўлса, ёши улгайиши билан рақобатчилик позициясининг роли кучайгани кузатилган бўлса, эркак домлаларда бунинг аниқ бўлиб чиқди 20 % ўқитувчиларда коммуникативлик қобилияти паст даражада эканлиги аниқланди.

Ушбу маълумотларга таянган ҳолда кейинги босқич ишларимизни, яъни таркиб топтирувчи тажрибаларни амалга оширдик. Бунда асосий эътибор, биринчидан, ўқитувчиларнинг коммуникатив хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ушбу жараёнида низоли вазиятлар ҳақида батафсил тухталиб ўтиб, уларнинг узаро муносабатларда вужудга келиш сабабалари, шахсининг ушбу ҳолатда тутган у ёки бу позициясининг аҳамияти ҳақида гапирилиб, мулоҳаза юритилиб, ушбу ҳолатни мукамал

тахлил килиши имкониятини берадиган педагогик-психологик тренинглари ташкил килинди. Бундан ташқари, ўқитувчиларда ҳамдардлик хиссининг намоён бўлиши таҳлил килиниб, ушбу ҳолатни чуқурроқ англаш учун ҳар хил қуринишда учраб турадиган педагогик вазиятларни психологик таҳлил утишига ҳаракат килинди.

Машигулотда 20 нафар ўқитувчи қатнашди. Таркиб топтирувчи тажрибалар бошланишидан олдин тажриба қатнашчиларига педагогик вазият баён қилинган варақалар тарқатилди ва берилган вариантлар бўйича ушбу вазиятларни ҳал қилиши илтимос қилинди. Жавоблар танлангандан кейин варақалар йиғиштириб олинди ва таҳлил қилинди (оғзаки).

Натижада вазиятни ижобий (адекват) равишда баҳолаш асосида уларда ҳамдардлик, мулоқот, маърифат қобилиятларнинг ривожлангани тасдиқланди. Тажрибада қўлланилган тренинглари моҳиятини тушунириши, фойдаланиши йўлини унтириши, амалиётга тадбиқ этиши юзасидан яққол маслаҳатлар бериши уларни узаро психологик таъсир утқизиши қўнқималари билан қўроллантирилди.

Бундан ташқари, ёш ўқитувчиларнинг муомалага қиришувчанлиги, қўмуниқатив қобилиятларини, умуман педагогик қобилиятлари ривожлантириши учун махсус услубий таъсиялар, машқлар мажмуаси яратилиши мақсадга мувофиқлигига аниқ бўлди.

Педагогик қобилиятлар ва махорат ўқитувчининг муқтақил ўқув-тарбиявий фаолиятида, дарс ва дарсдан ташқари вақтларида таркиб топади ва шаклланади. Юқорида айтганимиздек ушбу ҳолат, албатта талабаларнинг қасбий қизиқишларига боғлиқдир. Педагогик қизиқиши эса талабанинг асослаш институтдаги бутун ўқув-тарбиявий фаолияти давомида шаклланади. Шу уринда талабаларнинг амалиёти тугрисида ҳам туҳталишига уринли деб билдик. Чунки педагогик фаолиятга жуда яқин шароитга қуяди. Талаба уз билимларини ўқувчиларга бера олиши, дарс бериши услубиёти қўнқимаси билан албатта қўролланган бўлиши қерак. биз тадқиқотимиз жараёнида педагогик фаолиятга қизиқишининг узига ҳос

хусусиятлари ва педагогик қобилиятлари педагогик амалиёт давомида шакллантириши муаммосини қуриб чиқдик ва талабаларнинг мактабдаги фаолиятини қузатиши, суҳбат орқали (ўқитувчилар, талабалар, синф раҳбарлари) ёритишга ҳаракат қилдик, суров ва табиий эксперимент методларидан фойдаландик. Бундан ташқари тадқиқотимизда талабанинг педагогик амалиёти ҳужжатларини таҳлил ҳам қилдик айрим қузатиши ва суҳбатлар асосида талабаларда педагогик қизиқишнинг ақлий томони, айримларида хиёсий ва иродавий жараёнлар қучлироқ эканлигига шохид булдик.

Педагогик қизиқиш таркибидаги қирувчи ақлий хусусиятлар уз ичига :

- а) таълим-тарбиявий мақсадни тушунтиришнинг аниқлиги
- б) уларни ёшидаги ақлий фаоллик
- в) ўқувчи шахсига таъсир этувчи педагогик усул ва методларни тугри қуллаш олиш
- г) ўқув тарбияжараёнини танқидий баҳолаш ва хоказоларни олади.

Педагогик фаолиятга қизиқишнинг хиссий томонига:

- а) турли ўқув-тарбиявий муаммоларни мунтазам равишда хом қилишга ҳаракат қилиш яъни янгиликка интилиш.
- б) ишда ютуқларга эришишга ишонч хисси
- в) болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбиявий фаолиятдаги масъулият хисси.
- г) педагогик меҳнатдан хурсандчилик ва маънавий қониқиш хисси
- д) уз қасбига ва болаларга муҳаббат хисси

педагогик қизиқишнинг иродавий томони қуйидагиларда намоён булади:

- а) ўқув-тарбиявий муаммоларни ҳал қилишга интилиш
- б) мурақаб масала, муаммоларни ҳал қилишда иродавий зур бериш
- в) қийинчиликларни енгишда қатъий ишонч
- г) педагогик фаолият ва болалар билан мулоқотда уз-узини тутта билиш, ва уз-узини назорат қилиш

Кузатишлар, суҳбатлар натижасида шу нарса маълум бўлдики талабалар педагогик кизикишининг у ёки бу жараёнларининг индивидуал хусусиятлари билан устунлиги билан бир бирларидан фарк килар эканлар.

Масалар: педагогик кизикишлари аклий хусусиятлари билан ажралиб турувчи талабалар ўқувчилар билан олиб борадиган ўқув тарбиявий иш мазмуни аниқ, пухта режасалаштирадилар. Улар дарс ва дарсдан ташкари ишларга пухта тайёргарлик курадилар, методистларнинг маслаҳатларга тартибли равишда мунтазам иштирок этадилар. Улар педагогик масалаларни хал қилишига ижодий ёндашадилар, болаларни уқитиш ва тарбиялашнинг самарали йук ва усулларини кидирадилар. Пед амалиёт давомида ўқувчиларни яхшигина урганадилар ва уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир усулларини қулайдилар. Бундай талабаларнинг аксарияти уз эмоцияда ҳолатининг ўқувчилар, ўқитувчилар, методистлар олдида намоён қилмасликка ҳаракат қиладилар, уз-узини тутта биладилар.

Педагогик кизикишларида эмоционал жараёнлари устунрок бўлган талабалар эса педагогик меҳнатнинг барча турига ҳам интилиши қоҳиши билан ёндошадилар. Уларга мактабдаги ҳамма жараён: дарс, дарсдан ташкари, ишлар, болаларни уқитиш.

Улар синф билан, болалар билан осонлик билан муносабатга қиришадилар. Уларда коммуникатив қобилият устунрокдир. Болаларнинг ютуқлари ва муваффақиятсизликларига ҳаридорлик ҳисса уларда юқори. Улардаги юқори даражали ҳиссийёт ва ҳаёжонланиши баъзи вақтларда педагогик кизикишининг иродавий йуналишларининг тормозлайди. Бундай талабаларда баъзи ўқувчилардан дарс ва дарсдан ташкари машгулотларда қатъий талабчанлик етишимайди.

Уларнинг дарс ва дарсдан ташкари ишлардаги қамчиликларига нисбатан ўқитувчилар ёи услубчилар томонида билдирилган фикр-мулоҳозаларини танқидий фикрлай олмайди.

Иродавий сифатлари ривожланган талабалар уз-узину тута билиш билан ажралиб турадилар. Улар ўқув жараёнида ҳар қандай кийинчиликларни ёнгида ҳаракат қиладилар, бунинг учун чидам кунт билан меҳнат қиладилар.

Улар ўқувчиларга нисбатан ҳаддан ташқари каттик йул ва талабчандирлар. Бу эса қупинча амалиётга ва ўқувчилар уртасида илик муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Бундай талабалар ўқувчилар билан эмоционал муносабатларга киришишида анча кийналадилар.

Айрим талабаларда, педагогик кизиқиш уларда фаолиятлари мотивига айланган, улардаги касбий йуланишининг интеллектуал эмоционал ва иродавий хусусиятлари узвий боғлиқликдир.

Шундай талабалар ҳам улардаги фанга булган кизиқиш болалар билан ишлаш билан ҳам оханг була олмайди. Масалан: Анвар Н. (математика йуналиши, IV босқич) амалиётга чиқиш конференциясида педагог ва психолог методистларнинг берган йул-йуриқларига нисбатан муносабат билдириб: «Нима учун психологик-педагогик тавсифнома тузишимиз керак? ёки нима учун педагогик масалаларни ҳал қилишимиз керак? биз математика фанини чуқуқр билишимиз керак, ўқувчилар билан эса синф раҳбари шугулланиши! Мен синф раҳбари булишни хохламайман. Бундай ниятим ҳам йуқ».

Бундай талабалар психологик-педагогик йуналишидаги фанларни нотуғри баҳолайдилар, унинг моҳиятини тушунмайдилар, бу услубчилар берган топшириқларни бажаришида ҳам масъулият сезмайдилар. Шунингдек фанини кизикарли утиши мумкин (узи учун), лекин педагогик фаолиятни бу билан мувоффақияти таълимланмайдиз, ўқувчининг ёш хусусияти, индивидуал хусусияти, қабул қилиш, тесқари олоқа, ўқувчиларни фаоллаштириш, ҳақида, педагогик ҳаёл ҳақида гап коммуникатив қобилиятлар ҳақида ташқилотчилик ҳақида гап булиши ҳам мумкин эмас. Бундай фақат фанни чуқуқр билиб, юқоридаги синқари ҳолатларини ҳисобга

олмайдиган ўқитувчилар 1 нуктага термулиб юрадиган, атрофда ҳеч кимни сезмайдиган, тунд инсонларга айланадилар бора-бора.

Талабаларинститутда шундайлари ҳам бор эканки, улар ўқитишдан кура тарбиявий ишлар билан, ўқувчини урганиши билан кизикадилар. Бундай талабалар тарбияси кийин болалар билан ишлашда, турли хил тарбиявий ишларни ташкил этишда муваффақиятларга эришадилар. Улар дарсдан ташкари тадбирдан кура, дарс ўтишдан куркадилар. Бундай талабалар: «Асосийси балаларни билиш керак, уларни эса дарс жараёнида билиш керак, уларни эса дарс жараёнида билиш кийин. Уларни яхши билсанг, у ёғи осон кечади».

3. *Тадқиқот жараёнида шундай талабалар ҳам бор эканки, педагогик фаолиятнинг турларига нисбатан уларнинг кизикишлари барқарор эмас. Масалан, ушбу кизикишларнинг намоён булиши, уларнинг ишдаги муваффақиятлари билан боғлиқ хиссий ҳолатларига асосланади. Улар психология, педагогика сингари фанларни муваффақиятли узлаштирадилар, дарсдан ташкари ишларда болалар билан илиқ муносабатда буладилар, улар билан тез тил топишадилар. Бундай пайтларда ўқитувчилик касбига зур иштиёқ, ҳавас билан қарайдилар. Лекин, кичкинагига муваффақиятсизлик, ўқув –тарбиявий муаммоларни бартараф қилишдаги кийинчиликда улар узларини йукотиб қуядилар, «ўқитувчилик касбини нотугри танладим шекилли» дея иккиланиб қоладилар. Улар узок вақт шу пайдо булган муаммо, уйчанлик таъсирида қоладилар. Булар хиссийётга берилувчан, уз хатти – харақатини етарлича назорат қила билмайдиган, ҳаддан ташкари таъсирчан, уз имкониятига ишонмайдиган талабалардир.*

Айрим талабалар (улар жуда камчиликни ташкил этадилар) очикчасига амалиёт давомида ўқитувчилик касбига салбий ёндашадилар. Педагогик фаолиятнинг ҳеч қайси тури уларни кизиктирмайди. Улар институтни тамомлаганларидан сунг ўқитувчилик соҳасида меҳнат қилмайдилар.

Бўлғуси педагогларнинг индивидуал жихатдан бир- биридан фарқ қилувчи педагогик кизикишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни педагогик

кизиқишларини институт, коллеждаги бутун ўқув – тарбиявий жараёнда шакллантириб бориши зарурдир.

Бунинг учун бизнингча, ўқитувчилар куйидаги масалаларни ҳал қилишлари лозим:

1. Талабаларда ўқитувчилик касбига нисбатан мавжуд кизиқишларни, лаёқатларини куллаб – қувватлаш ва шакллантириши керак.
2. Талабалар кизиқишларининг педагогик фаолиятнинг турларига нисбатан танловчанлик хусусиятини ҳам ривожлантира билиши керак (М-н: дарсдан ташқари ишларга, ўқувчиларни урганишга)
3. Педагогик фаолиятга кизиқиши йук талабаларни ҳам уларда ушбу кизиқишни ҳосил бўлишига эришиши керак

Ушбу масалаларни ҳал қилиш талаба шахсига нисбатан алоҳида психологик – педагогик таъсир утказиши ва зарурий шарт – шароитлар яратишни такозо этади.

4. Ўқитувчи билимдонлигининг психологик қонуниятлари.

Мактабдаги катта ёшли ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари билан бўлган суҳбатда ҳам уларнинг қўпчилиги ёш педагогларга нисбатан ишончсизлик билан муносабатда бўлишларини, айрим ҳолларда эса уларнинг фақат камчиликлари ҳақида фикр юритишларини гувоҳи бўлдик. (М-н: «Мен ёш ўқитувчилардан норозиман, дарсни наридан бери утадилар, болалар билан ҳам тил топшаолмайдилар. Мактабимизда тарбияси кийин болалар қўп. Улар билан эса алоҳида иш олиб бориши керак, бунинг учун уларда билим ва малка бор.»)

Лекин ёш педагог ҳам узига нисбатан эътиборли бўлишларини хоҳлайди. Агар мактаб ишида ёш педагогларга меҳрибонлик билан, диққат – эътибор билан, ҳар қандай шароитда ёрдам керак бўлса беминнат ёрдам билан, ёки улар билан суҳбатлашганда муносабатлар тенглиги билан (ўқитувчи = ўқувчи эмас балки ўқитувчи = ўқитувчи тарзида), мактаб, ёки синф

жамоаси хакида, уларга ҳсо хусусиятлар хакида самимий суҳбатлар билан уларни тарбиялаб борилса, ундаги мактабга, ундаги ҳаётга нисбатан кизикиши пайдо булади, буёса ундаги қобилиятларни ривожлантиришига асосий замин булиб хизмат қилади.

Ўқитувчи, айниқса ёш педагогга нисбатан совуққон муносабат, эътиборсизлик, унинг келгуси ишларига ишончсизлик, албатда ўқитувчини ишдан совишига олиб келади. Бундан ташқари талабаларда ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ургатишига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ. бу уринда психология фанининг аҳамияти каттадир. Боланинг индивидуал хусусиятларини урганиб, уларга мос муаммола тарзи, уларга таъсир этиши йулларини ургатиши муҳим таълим, тарбия ва болаларни урганиши жараёнида ёш педагогларда педагогик таффақурнинг, педагогик қобилиятларнинг ривожланишига талаба шунингдек ёш педагогларга чуқур билим (предмет буйича), педагогика-психология фанларини яхши узлаштириши, дарс беришнинг илғор усулларини урганиши ва тадбиқ қилиши, муттасил уз билимини ошириши, тинмай изланиши, уз устида ишлаши, тажриба урганиши, педагогик қобилият ва маҳоратнинг шаклланишига асосдир.

Ўқувчилар диққатини фаоллаштириши, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга дифференциал ёндашиши учун ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳамда махсус педагогик таъсир қилиши йулларини билиши муҳимдир. Хар қандай педагогик муаммони ҳал қилишида психологик ва педагогик билимларни мукамал эгаллаши муҳим аҳамиятга эга эканлигини талабалар онгига етказиши керак.

Бундан ташқари педагогик қобилият ва маҳоратни шаклланишида навор ўқитувчиларни намунаси ҳам катта роль уйнайди, чунки хар қандай одамлар табиатдан тақлидчанлик хусусияти мавжуд. Яхши ўқитувчиларнинг маънавий-психологик хусусиятлари, дарс утиши техникаси, болалар билан муомаласи, уларга таъсир утказиши йуллари индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги балалардаги турлиҳил

муносабатларни талабаларда ёки ёш педагогларда профессионал қобилият ва маҳоратнинг шаклланишига хизмат қилади.

Биз амалиётчи талабалар билан утказган суҳбатлар, анкеталар таҳлили, педагогик амалиёт ҳужжатлари асосида ўқитувчилар шахси ва характериға хос энг муҳум хусусиятлар тугрисида қуйидаги натижаларни олишиға муваффақ булдик.

<u>Ўқитувчиларға хос ижобий хислатлар</u>	<u>Талабалар %</u>
<i>Фанини чуқур билиш ва юкори умумий маданият</i>	23
<i>Уз фанини бериш жараёниға мухаббат</i>	20,7
<i>Талабаға, ёш ўқитувчиға нисбатан алоҳида ва диққат билан муносабатда булиш, хар қачон фойдали маслаҳат, ёрдам курсатиш</i>	17,3
<i>Болаларға мухаббат ва хурмат</i>	17
<i>Уз – узини тутта билиш, узини назорат қилиш</i>	7
<i>Ишиға ижодий ёндашув</i>	5,8
<i>Ўқитувчининг шахсий намунаси</i>	5
<i>Педагогик такт</i>	4,2

Юкоридаги маълумотлардан қуриниб турибдики, бўлғуси мутахассислар ўқитувчи фаолияти ва шахсининг уларда болаларға ва педагогик фаолиятға нисбатан меҳр уйғота олган турли томонларини белгилашға муваффақ булганлар. Ушбу хусусиятлар орасидан уз фанини чуқур билиш, ўқитувчининг педагогик маҳорати, шунингдек болаларға мухаббат қабиларни қуп сонли талабалар танлаганлар.

Бундан шундай хулосаға қелиш мумкинки бўлғуси мутахасислар педагогик амалиёт давомида қуп марта муаммолада булишган ўқитувчиларнинг ахлокий – маънавий хусусиятлари асосида танланилган, шунингдек бу ҳолат яйни шу талабаларға хос хусусиятларға ҳам богликдир.

Педагогик амалиёт даврдаги энг яхши, илгор ўқитувчилар образлари булгучи мутахассислар учун педагогик идеалга айланган, чунки улар талабаларда педагогик қобилиятлар ёки педагогик фаолиятга кизиқиш ва келгусида уни ривожлантириш учун асос булган. Куйида талабалар билан суҳбат матнининг келтирамиз:

«Энди менда идеал ўқитувчи образи бор. Уни эшитганингиздан, дарсида иштирок этганингиздан кейин адабиёт дарсни севмасликнинг иложи йук. Мен уни жудаям яхши куриб колдим. Менингча, инсонларда мавжуд булган барча яхшиликлар унинг калбида мужассам. Агар барча мактаблардаги, ёки худди шу мактабдаги хамма-хамма ўқитувчилар унга ахшаганларида дарсларини зерикишга хам урин колмас тарбияси кийин балалар муаммоли хам булмас эди». Гулнора Н.

«Математика ўқитувчисининг болаларга мухаббати, болаларнинг кизиқишлари билан яшашга интилиш, ундаги кучли гайрат, шижоат менга хам утиб колгандек, назаримда. Мен хамиша унинг ортидан синфга киришга, болаларга якин булишга, уларнинг уз меҳнатим билан узимга жалб килишга харакат килдим. Ўқитувчи булиш кандай яхши». Дилфуза А.

«Хаммада идеал ўқитувчи образи мавжуд. Мен Гулнорахон опой билан танишганимда, идеал ўқитувчини топганлигимни хис этдим. Институтда 4-боскичкача узимни тасодифий талаба хисоблар эдим. Гулнорахон опой билан ишлаганимдан кейин, ундаги барча яхшиликларни узимда мужассамлаштиришга харакат килдим, унга таклид эта бошладим. Мен эндигина мактабда ишлаш кизикарли эканлигини тушундим. Шунингдек инглиз тилини ва болаларни яхши билиш хам зарур». Дилноза М.

Юкоридаги маълумотлар талабаларнинг энг яхши ўқитувчи шахсига профессионал кизиқиш ва қобилиятларнинг шаклланишига таъсир этишга катта урин бераётганлигидан далолатдир.

Шунингдек, талабалар амалиёт даврида улардаги кизиқишни кандайдир даражада сунгдиришга сабаб булган баъзи ўқитувчиларга салбий хусусиятларни ахён-ахён тилга олганлар.

Талабалар уларга тавсиф бераётганда педагогга намунаси, ипратини, нуфузини тушурувчи салбий хусусиятларни ажратиб курсатдилар. Ушбу хусусиятларга биринчи навбатда куйидагилар киради.

<u>Ўқитувчи шахсининг салбий хусусиятлари</u>	<u>Талабалар %</u>
Талабаларга нисбатан ёмон муносабат	24
Талабаларнинг дарсдан ташқари машгулотларини камситиши	16
Дарс ва дарсдан ташқари жараёнда талабаларни диққатини ноурин булиши	18,2
Талабага нисбатан ишончсизлик, масалан: бахолар куйишда, ота-оналар билан иш олиб боришда, экскурсия, дарсдан ташқари машгулотларда	19,8
Талаба томонидан олиб борилган дарсни нотугри тахлил қилиши, яъни ўқитувчининг талабини фақат салбий томонларини буртириши, ижобий томонларига ахамиятсизлиги	22
<p>Албатта, айрим ўқитувчиларнинг бундай хатти-харакатлари ва шахсига хос айрим хусусиятлари, бўлгуси педагогларда, жумладан ёш педагогларда профессионал кизишларнинг сунушига, натижада педагогик қобилиятларнинг ривожланмаслигига олиб келади.</p> <p>Бундай ёмон оқибатлар булмаслиги учун талабада мустақил фикр булиши, «Хаёт карама-қаршиқларидан иборат», «Мен иродамни сусайтирмайман. Хар қанда қийинчиликни енгишига тайёрман», «Яна изланаман, уз устимда ишлайман», дея фаолият мотивларини белгилаб олиши ва муттасил уз қобилиятларини, билим ва қуникмаларини мутассил ошишига харакат қилиши муҳимдир. Ишдаги муваффақиятлар – яхши дарс ута олиши, болаларни узига нисбатан ишончи, вазифаларни яхши бажара олишлари,</p>	

болалар жамоаси билан илик психологик муносабатлар – талабани янада яхши ишлашга чорлайди.

Демак, яхши, тугри ташикл этилган педагогик амалиёт талабанинг педагогик махоратини шаклланишига катта имконият очади.

Шу уринда академик лицей ва касб хунар коллежлари ўқувчилари олидида турган вазифаларни хам айтиб утиши жоиз деб билдик. Жумладан, болаларни янги мухитга мослаштириши, уларни хурмат килиши, ўқувчининг танлаган юналишига кизикишини баркарорлаштириши, психологик хусусиятларини тарбиялаш, янги хислатлар шакллантириши, иродавий хислатларини ривожлантиришига ёрдам бериши, мустикал таффукурларини ривожлантиришига шарт-шароит яратиши кабилардир.

Бунинг учун эса янги турдаги билим юртларида ишлайдиган педагог узининг ижодий кобилиятини устириши зарур. Яъни дарс утиши методикасини янги давр утиши модели билан алмаштириши, бунинг учун жуда куп мехнат килиши, изланиши керак булади. Демак, замонавий ўқитувчи педагогик фаолияти жараёнида ахборот технологиясига оид маълумотларни хар томонлама мантикий жихатдан тахлил ва талкин килиши кобилиятига эга булиши керак. хозирги кунда ахборот информацияларининг куп микдорда ёшлар онгига таъсир этиши натижасида уларни кабул килиши, кайта ишлаб чикиши, ўқувчилар онгига тугри етказиши учун замонавий ўқитувчи техник, коммуникатив хамда нутк кобилиятига хар томонлама давр такозо этади.

Шунинг учун хам янги педагогик фаолиятга оид ахборот технологияларни кабул килиши ва уни таълим жараёнига тадбик этиши замонавий ўқитувчининг маънавий дунёсининг бойлиги, дунёкарашининг илмийлиги, ижодий таффакур механизмларининг юкори даражада ривожланганлигини педагогик фаолият жараёни такозо этади.

Чунки педагогик фаолиятда биргина ўқувчиларнинг фаоллиги таълим жараёнида етарли эмас. Ушбу фаолликни бошкариши, назорат килиши, муаммоли вазиятларни яратиши, уларни ечимларини топишига ўқувчилар

диккатини йуналтириши, фаолият натижаларини баҳолаш хам бевосита замонавий ўқитувчининг педагогик бурчидир. Шунинг учун хам педагогик фаолиятда янги педагогик информация, ахборот, янгиликларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этишида ўқитувчининг шахси, қобилияти ва илмий жиҳатдан замонавий илм фан ютуқлари асосида билим, қуниқма ва малакага эга бўлиши мустақиллик давридаги миллий истиклол гоёларини асосий тушунчаларини амалга оширишида хал қилувчи қучга эгадир.

Шунинг учун хам бугун педагог маънавияти, мафкуравий этикоди ва ўқув жараёнида ишлашни билиши катта амалий аҳамиятга эга. Замонавий педагогнинг шахсий этикоди шундай муҳим омилки, унинг урганиш мезонларини билиши педагог кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилдир. Демак билимдон педагогнинг шахсий этикоди қуйидагиларда ифодаланади:

Биринчидан, педагог жамиятнинг фуқароси сифатида уз мавқеи ва фаол урнини ўқувчиларга намоиш эта олиши лозим. Бу хусусан, унинг жамият ва уз жамоасидаги урни, танлаган касби, уқийтган предмети бўйича чуқур билимга эга бўлиши, талаб ва қоидаларга амал қилиши, меъёр ва қонунларни ҳурмат қилишида қуринади.

Иккинчидан, педагогнинг этикоди ва билимдонлиги, унинг янги билимлар, янгиликлар ва узи танлаган фан соҳасидаги янгиликларга нисбатан қалбан очиклигида, инновацион руҳнинг бирлигида намоён бўлади. Яъни, айнан педагог узи хизмат қилаётган жамият аъзоларидан янгиликлар хусусида сира ортда қолмаслиги, доимо олдинда илдам бўлиши ва бундан шахсан рағбат олаётганлигини сездира олиши қерак.

Учинчидан, янги қа дунёқараишлар ва ислохотлар даврида агар педагог узидаги ички тормозларни, стереотипларни бартараф эта олмас ва буни ўқувчилар сезиб қолсалар, унинг билимига ишонмайди қанлар.

Туртинчидан, этиқодли ва билимдон ёш педагог узига хос қикрлаш тарзи билан ажралиб тура олиши шарт. Чунки болалар айнан ана шундай ноёб, қайтарилмас андозасиз қикрлаш шароитидагина мустақил қикрлашга урганадилар ва уша қанни боиқа қанлар орасидан ажрата оладилар.

Нихоят, замонавий ўқитувчига янгича уқитиш технологияларини муваффақиятли узлаштириши учун хамиша вақт етишмайди. У эътиқодли, узига яраша қарашлар соҳибии сифатида мана ша вақт етишмаслиги омилини енга олиши ва бу борадаги ютуқларига уз шогирдларини ҳам ургата олиши зарур. Шундай қилиб, замонавий ёш педагог янгича ислохатлар шароитида қўчиликнинг олдида, юртдан олдин юра олиши, буни уз фикрлашларида ва ҳаётга муносабатида намоён этиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда энг янги ва юксак технологияни дарсга жорий этса ҳам, унинг самараси кам бўлади. Миллий дастурида ҳам инсон омили асосий уринни эгаллайди.

Демак, бугун янги педагогидан янгича фикрлаш, янгича муносабатлар талаб этилар экан, унинг билимдонлиги даражаси масаласи ҳам ута муҳим ижтимоий психологияда педагог билимдонлигининг уч тури ажратилади:

- Ижтимоий билимдонлик, яъни дарс мобайнида аудитория билан синф билан самарали узаро муомала шаклини ташкил этаолиши, ёшлар билан тил топиши ва соғлом маънавий муҳитни ҳосил қила олиши қобилияти;
- Услубий билимдонлик – барча билимларини, қўрган- кечирганларини ёшларга тушунарли, раво тилда еткази олиши, таълим технологияси ва методларидан бохабарлик қобилияти;
- Профессинал билимдонлиги, яъни уз фани ва предмети соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукамал билимларга эга бўла олиши, уз устида ишлаш қобилияти.

5. Педагогик маҳоратни эгаллашда ўқитувчи қасбий омилқўрлигининг аҳамияти.

Олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашда бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий сифатлар - қасбий маҳорат ва омилқўрликни шакллантириши зояси етакчи ўринда бўлиши лозим. Юқори малакали қасбий маҳоратни шакллантириши йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бўлажак ўқитувчи ўз қасбий маҳоратининг шакллантирилганлигини билдирувчи қасбий билим, малака ва қўникмалар йиғиндисига, педагогик

муомала маданиятига эга бўлишлик касбий-педагогик омилкорликнинг асосий пойдевори ҳисобланади.

Педагогика олий ўқув юртларида юксак маҳоратли омилкор шахсни шакллантириш учта йўналиш бўйича амалга оширилади:

- ўз мутахассислиги бўйича пухта тайёргарлик (касбий ва педагогик-психологик билимлар);
- методологик билимларни эгаллаш маданияти;
- педагогик ижодкорлик ва креативлик.

Олий педагогика таълим муассасаларида касбий таълим тизими бўлажак мутахассисни шакллантиради ва уни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлайди. Замонавий мутахассис – миллий мактаб ўқитувчиси эга бўлиши лозим бўлган ижтимоий касбий сифатларнинг мураккаб тўпламини анъанавий ўқитиш ва амалиёт жараёнида талабалар эгаллаши мумкин. Касбий тайёргарлик жараёнида барча ижобий хусусиятлар амалдаги таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этиб борган ҳолда, улар янги замонавий билимлар билан тўлдириб борилса, унга рационал ёндошувлар жорий этилган интеграл билимлар тизими бир-бирини тўлдириб қўлланилганда шакллантирилиши мумкин.

Миллий мактаб ўқитувчисининг технологик маданияти унинг технологик фаолияти жараёнида касбий маҳоратнинг муҳим жиҳати сифатида индивидуал педагогик фаолиятини очиб берувчи муҳим ижодий кўникмасидир. Ўқитувчининг технологик тайёргарлиги “педагогик омилкорлик” категориясини тушунишининг муҳим қисми ҳисобланади ва у педагогик воқеликни идрок этиш ҳамда сақлаш вазифаларини бажарувчи педагогик маданиятнинг моҳиятини акс эттиради. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятидаги муваффақиятларнинг асоси сифатида қаралаётган ўқитувчининг технологик маданияти талабаларнинг ички имкониятларини ижодий томонга йўналтирувчи жараёндан иборатдир.

Ҳар бир бошловчи мутахассис бўлажак касбий фаолиятининг ихтисослиги ва хусусиятидан қатъи назар. Фундаментал билимларга, касбий малака ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Ана шу билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда бўлажак мутахассисга ўз касбига оид у ёки бу савол ёкм муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини аниқлаб олиш имконини берувчи ижодкорлик, тадқиқотчилик ва мустақил фаолият тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Куйида юқорида келтирилган учта блок(йўналиш)дан ҳар бирининг (базавий, методологик, ижодий) ташиқил этувчи жиҳатлари берилган.

Педагогика олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва омилкорлигини таъминловчи хусусиятлар:

1. Базавий омилкорлик(касбий-педагогик тайёргарлик):

- Асосий фанлар;*
- Ўқитиш методикаси;*
- Фалсафий билимлар;*
- Педагогик билимлар;*
- Психологик билимлар;*
- Педагогик ахлоқ ва ҳк.*

2. Методологик омилкорлик

Фалсафий, умуммиллий ва аниқ фанлар даражасига мос келувчи методологик билимларни, таълим муаммоларини, интеграл, фаолиятга тааллуқли билимларни мустақил ёндошув асосида ўзлаштира олиш қобилияти ва ҳк.

3. Ижодий педагогик маҳорат ва омилкорлик

- Касбий қадриятларга йўналтирилганлик;*
- Мотивацион ижодкорликка йўналтирилганлик;*
- Таълимда инновациянинг асосий муаммоларини тушуниш;*
- Педагогик вазифаларни ҳал қилишга тизимий ёндошишга қаратилганлик;*
- Дастурий-мақсадли режаслаштириш қобилияти;*
- Илмий тадқиқот маданияти;*

- *Технологик маданият;*
- *Графика маданияти;*
- *Касб ахлоқи;*
- *Таълим муаммоларини мустақил англаш қобилияти;*
- *Коммуникативлик;*
- *Дилкашлик;*
- *Касбий мослашувчанлик, кутилмаган ҳолатларга тайёр туриш, киришувчанлик метод ва методикалари, салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи турли ақидапарастликни енгиб чиқишига қодирлик қобилияти;*
- *Эргономик фикрлаш;*
- *Касбий фаолиятнинг индивидуал услуби;*
- *Ўзининг касбий сифатларига баҳо бера олиш. Ўз фаолиятини ва унинг натижаларини. Танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш;*
- *Ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда мустақил таълим олиш қобилияти ва ҳқ. Касбий-педагогик таълим ўқув жараёнининг самарадорлигига замонавий таълим муҳити талаблари билан талабанинг ўзгариб турувчи ўқув дастурлари шароитида етарлича йўналиш ола билмаслиги натижасида салбий таъсир кўрсатиши мумкин.*

Таълдим олувчининг юксак тайёргарлик даражасига ва маънавий-ахлоқий савиясига қўйиладиан талаблар ҳам янгилашиб боради. Ижодкор ўқитувчи эса ўз соҳаси бўйича янгича педагогик технология методикасини ажрата олиши ҳамда уни амалда самарали қўллай олиши лозим.

Ҳозирги кунда “Педагогик технология”да “педагогик техника”га алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Негаки, педагогик техника ўқитувчининг ички имкониятларидан келиб чиқадиган фаолиятни ифодаловчи касбий истеъдодни ўзида мужассамлаштиради. Бу, айниқса, ўқитувчиларнинг касбий етуклик даражасини белгилашда яққол намоён бўлади. Ўқитувчининг таиққи қиёфаси ва кийиниши ўз хатти-ҳаракатини тўғри идрок эта олиши, айрим сўзлар ўрнини “мимик” ва

“пантомимик” имо-ишоралар билан ўқувчи онгига етказа олиши, ўз ҳиссиётини, кайфиятини бошқара олиши, дарс мавзусига асосланган сўзларни тўғри ва адабий тилда ифодалаши, талаффузда тиниқлик, нутқнинг равлонлиги каби сифатлар “педагогик техника” имкониятлари асосида шаклланади. Ўқитувчи тилига хос хусусиятларни ифодаловчи илмий, адабий ва методик жиҳатлар эътибордан четда қолмаслиги керак.

Миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатларини шаклланишида энг юқори поғона – унинг педагогик касбий омилкорлигидир. Маҳоратли ўқитувчи ҳамиша илғор тажрибаларни тезда ўзлаштириб олади. Шунинг учун педагогикада “касбий омилкорлик” тушунчаси таркибига “янгича”, “илғор”, “новаторлик”, “иждодкорлик”, “касб тафаккури” каби тушунчалар сингдирилади. Бу тушунчаларнинг ривожини педагогик маҳоратда намоён бўлади.

Демак, миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатларини шакллантиришида ўқитувчининг касбий омилкорлигини тадқиқ этиши алоҳида мавзу бўла олади. Касбий омилкорликни такомиллаштиришдан асосий мақсад ва вазифалар, миллий мактаб ўқитувчисида педагогик маҳоратни шакллантириши, умумлаштириши ва уни амалиётга қўллаш олишини ўргатишига қаратилган.

ХУЛОСА

Миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатларини шаклланиши – мураккаб куп киррали жараён ҳисобланади. Бу тайёргарлик жараёнини, талабалик йилларидан бошлаш уларда ўқитувчининг жамият ҳаётидаги урни, жамиятга қандай инсонлар кераклиги, жамиятнинг ёшлар таълим – тарбиясига қуядиган талаблари, талабаларда уз шахсига нисбатан, яъни бўлгуси ўқитувчи сифатида узига, уз шахсий хусусиятларига нисбатан фаол муносабатини тарбиялаш лозим. Чунки бўлгуси мутахассисни талабалик давриданоқ педагогик фаолиятнинг технологиясини уқитиши самарадорлигига эътибор берган холда, уларни ўқув – тарбиявий ишининг

ушуллари воситалари, таъсир этиши шакллари билан куруллантириши мухим. Бундан ташиқари уларда юқори даражада ривожланган сифатларга эга булган ўқитувчи тимсолини тасаввур қилишга ургатиши керак. идеал ўқитувчи тимсолида улар гоъвий етукликни, педагогик тактни, масъулият, талабчанлик, педагогик қалбига нисбатан барқарор қизиқишни, ташиқлотчилиқни, қузатувчанликни қура қилиши керак. Инсондаги бу сифатлар бир – бирига узвий боғлиқ були, қизиқиши билан баъсариладиган фаолият, у қанчалиқ мурақаб булмасин, хатто муваффақиятсизликларга учрамаслиги инсонга қатта ички қониқиши, мамнуният баиш этади. Шунингдек, махсус фанларнинг методика хамда қасб махорати фанларининг уқитилишига алохида эътибор билан қараб, ушбу фанларни уқитилиши самарадорлигини ошириши ва бунда асосан педагогик махоратни шакллантиришига йуналтириши лозим.

Юқорида санаб утилган фанларни утишида қупрок тренинглardan фойдаланиши, амалиётга тадбиқ этиши юзасидан яққол маслаҳатлар бериши уларни узаро психологик таъсир қурсатиши қуникмалари билан куруллантиради.

Мақтаб, коллеж ўқитувчиларини аттестация қилишда албатта, уларда мавжуд педагогик қобилиятлари ва махоратларини ҳисобга олиши мухим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек мактаби ўқитувчиларининг педагогик қобилиятлари ва педагогик махоратларини ривожлантириши учун махсус услубий тавсиялар, мулоқотмандилиқ ургатиши машқлар мажмуига хамда буларда ўқитувчи билан ўқувчилар узаро муносабатларининг миллий маданий, миллий психологик жабахаларини ва тарбия жараёнида типик хатоларнинг психологик тахлилини амалга оширишига йуналтирилган услубий қуланмалар яратиши зарурати мавжуд.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. И.А.Қаримов. Ўзбекистон XXI аср бусагасида.- Т. «Ўзбекистон», 1997. – 325б.

2. И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. – «Шарк», 1997. – 36б.
3. Н.А.Аминов. Диагностика педагогических способностей М.1997.80б.
4. Ёш ва педагогик психология . М.Г.Давлетишин тахрири остида. Т. 1974. 192 б.
5. В.А.Крутецкий. Педагогик психология асослари. Т. 1976. 303 б.
6. «Замонавий педагогик технологияларни амалиётга тадбик этишининг назарий ва амалий масалалари». Республика илмий – амалий конференцияси материаллари. Кукон. 2002 й. 163 б.
7. Психология фани XXI асрда. Халқаро илмий – амалий анжуман материаллари. Т. 2002 й. 215 б.
8. Э.Гозиев, К.Мамедов. Касб психологияси. Т. 2003й. 156 б.
9. Таълим тизимида психологик хизмат: муаммолар, ечимлар. Республика илмий – назарий анжумани маърузалари баёни. Термиз-2002 й. 48 б.
- 10.Р.Ю.Тошимов. Социал тренинг асослари. Т. – 2000. – 48 б.
- 11.А.Расулов. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан узаро муносабати даражалари. Ф.А.Дисс автореферати. Т. 2001. 22 б.
- 12.А.Закиров. Особенности сотрудничества преподавателя и обучающихся в учебной деятельности. Диссертация автореферати. Т. – 2002 й. 22 б.
- 13.А.Рахмонов. Касб – хунар коллежи ишлаб чиқариши таълими усталарининг ўқувчиларга психологик таъсир курсатиши хусусиятларини урганиши. Дис. Автореф. Т. – 2000. 24 б.
- 14.Халқ таълими журналлари. 1998й. 6 – сон, 2001 й. 1- сон, 2003 й. 3 – сон.